

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ**

**МИЛЛИЙ ҒОЯ, МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ  
ЙЎНАЛИШИ БИТИРУВЧИСИ  
ДЖАББОРОВ АЗИЗБЕКНИНГ**

# **БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**МАВЗУ: Кўп партиявийлик – фуқаролик жамияти  
шаклланиши омили сифатида**

**Илмий раҳбар: доцент Тешаев Н.Н**

**“Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият  
асослари” кафедра йиғилишида муҳокама  
қилиниб, ҳимояга тавсия этилган  
“ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_ сонли баённома**

**Кафедра мудури \_\_\_\_\_ доц. Очиллов Ў.С.**

**БУХОРО - 2012**

**“Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари” кафедрасининг  
1-сон баённомасидан  
К Ў Ч И Р М А**

**26.08.2011.**

**Қатнашдилар:**

**Кафедра мудири в/б, доц. Н.Н.Тешаев**

**Доцентлар:** С.С.Раупов, Р.Э.Қиличев, Ў.С.Очилов,  
М.З.Эргашева,

**Катта ўқитувчилар:** Ў.Р.Қурбонов, М.К.Орипова,  
Р.И.Зокирова, М.К.Жанобилова, Н.С.Нуриддинова

**Ўқитувчилар.** Б.Б.Намозов, Ф.Ш.Абдуллаева, И.Ҳ.Шоев,  
А.Қ.Ширинов, Г.О.Астанова, Н.Жўраева, Ш.Н.Аминов,  
У.Б.Собиров, Г. Раджабова, Н.Б.Маҳмудова, Ш.Ш.Шаропов,  
Д.Х.Қодиров

**КУН ТАРТИБИ**

**6.** Битирув малакавий иш мавзуларини тасдиқлаш тўғрисида.

**Кафедра йиғилиши қарор қилади**

1. “4” А гуруҳ талабаси Джабборов Азизбекга битирув малакавий ишни ёзишга рухсат этилсин.
2. “Кўп партиявийлик – фуқаролик жамияти шаклланиши омили сифатида” битирув малакавий иш мавзуси этиб тасдиқлансин.
3. Доцент Н.Н.Тешаев илмий раҳбар этиб тасдиқлансин.

**Мажлис раиси:**

**доц. Тешаев Н.Н.**

**Котиба:**

**Акобиров М.И.**

Кафедра йиғилишида тасдиқланган

(Баённома №1. 2011 й. 26 август)

Кафедра мудирини \_\_\_\_\_ ф.ф.н.доц. Тешаев Н.Н.

**“Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари” таълим йўналиши талабаси  
Джабборова Азизбекнинг “Кўп партиявийлик – фуқаролик жамияти  
шаклланиши омили сифатида” мавзусидаги битирув-малакавий ишини  
амалга ошириш режаси**

№	Топшириқнинг мазмуни	Бажарилиши муддати	Масъул	Изоҳ
1	“Кўп партиявийлик – фуқаролик жамияти шаклланиши омили сифатида” мавзусининг тахминий режасини тузиш	10.09.11 20.09.11	Доц. Тешаев Н.Н. талаба Джабборов А.А.	
2	Танланган мавзу юзасидан чоп этилган асосий адабиётларни ўрганиш	14.09.11 25.09.11	Джабборов А.А.	
3	Режага қўйилган масалаларга оид материалларни туркумлаш	10.09.11 19.10.11	Джабборов А.А.	
4	Битирув малакавий ишнинг кириш қисмини ёзиш	21.10.11 30.12.11	Джабборов А.А.	
5	Битирув малакавий ишнинг биринчи бобини ёзиш	12.01.12 25.02.12	Джабборов А.А.	
6	Битирув малакавий ишнинг иккинчи бобини ёзиш	26.02.12 10.03.12	Джабборов А.А.	
7	Умумий урта мактабнинг 8-синфида утиладиган “Давлат ва ҳуқуқ асослари” ва 9-синфда “Конституциявий ҳуқуқ” фанларини ўқитишда битирув малакавий иши материалларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш ва тажрибадан ўтказиш	14.02.12 02.04.12 Инновацион ҳамкорлик доирасида 35- сон мактабда	Джабборов А.А.	
8	Битирув ишининг хулосасини тайёрлаш ва биринчи вариантини илмий раҳбар кўриб чиқишига ҳавола этиш	10.03.12 15.04.12	Джабборов А.А.	
9	Битирув малакавий ишнинг якуний вариантини тайёрлаб кафедра ҳимоя олди муҳокамасига тавсия этиш	16.04.12 10.05.12	Джабборов А.А.	

**Илмий раҳбар:**

**ф.ф.н. доц. Тешаев Н.Н.**

**Битирувчи талаба:**

**Джабборов А.А.**

**Бухоро давлат университети Тарих факультети “Миллий ғоя,  
маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши битирувчиси  
Джабборов Азизбекнинг “Кўппартиявийлик – фуқаролик жамияти  
шаклланиши омили сифатида” мавзусидаги  
битирув малакавий ишига**

## **ТАВСИЯНОМА**

Кўппартиявийликка асосланган фуқаролик жамиятига ўтиш мустақиллик – шарофатидир. Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлгач, жамоат ташкилотлари ва сиёсий партияларнинг кенг фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар яратилди.

Битирувчи А.Жабборовнинг битирув малакавий иши ана шу долзарб ва бениҳоя муҳим мавзу бўлган кўппартиявийликнинг ривожланишига бағишлангандир.

Иш мавзуга доир эълон қилинган кўпгина монографик асарлар, рисола ва мақолаларни ўрганиш асосида ёзилган. Ишнинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, ишнинг мақсади, тарихшунослиги таҳлил этилган.

Сиёсий партияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишида машҳур инглиз, француз, америкалик сиёсатшуносларнинг тадқиқотлари кўрсатиб ўтилган.

Битирув – малакавий ишда Ўзбекистонлик олимларнинг сиёсий партиялар ҳақидаги қарашлари ғарб сиёсатшуносларининг қарашлари билан таққосланган. Ишнинг эътиборли томони шундаки, талаба ҳимояни тўлақонли ўтказиш учун мавзуга доир тақдимот материалларини яъни, слайдларни тузганлиги мақсадга мувофиқ иш бўлган.

Ушбу иш битирув – малакавий ишларга қўйиладиган талабларга тўлиқ жавоб беради ва уни ҳимояга тавсия этаман.

**Илмий раҳбар:**

**доц. Н.Н.Тешаев**

**“Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари” кафедраси навбатдаги  
кафедра йиғилиши 8-сон баённомасидан**

**К Ў Ч И Р М А**

**10 май 2012 йил**

**Қатнашдилар:**

**Факультет декани:** т.ф.н., доц. С.С.Раупов

**Кафедра мудири** ю.ф.н., доц. Ў.С. Очилов

**Доцентлар:** ф.ф.н., доц. Н.Н.Тешаев, доц. Р.Э. Қиличев,  
т.ф.н. Г.О.Астанова, ф.ф.н, доц. Б.Б.Намозов

**Катта ўқитувчилар:** Н.С.Нуритдинова, Р.И.Зокирова,  
М.К.Орипова, Ў.Р.Қурбонов, М.К. Жанобилова

**ўқитувчилар:** Ш.Н.Аминов, Ф.Ш.Абдуллаева, А.Қ.  
Ширинов, И.Х. Шоев, Н.Б.Махмудова, У.Б. Собиров, Д.Х.  
Қодиров, Ш.Ш.Шаропов, Н.О.Жўраева

**КУН ТАРТИБИ**

1. “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” йўналиши 4 – курс талабаларининг битирув малакавий ишлари муҳокамаси.

**Кафедра йиғилиши қарор қилади**

2. “4” А гуруҳ талабаси Джабборов Азизбекнинг “Кўп партиявийлик – фуқаролик жамияти шаклланиши омили сифатида” мавзусидаги битирув малакавий иши талабга жавоб беради, у синов ҳимоясидан ўтди деб ҳисоблансин ва расмий ҳимояга рухсат этилсин..
3. Джабборов Азизбекнинг битирув малакавий ишига расмий тақризчи сифатида Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари кафедраси доценти Қиличев Р.Э. тайинлансин.

**Кафедра мудири**

**доц. Очилов Ў.С.**

**Котиба**

**Мирзахамдамова З.**

**Тарих факультети, “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими”  
йўналиши битирувчиси Джабборов Азизбекнинг “Кўппартиявийлик –  
фуқаролик жамияти шаклланиши омили сифатида” мавзусида ёзган  
битирув малакавий ишига**

**Т А Қ Р И З**

Фуқаролик жамияти шаклланишига оид муаммоларни ўрганиш, айниқса ана шундай жарённи ўз бошидан кечираётган Ўзбекистон учун долзарб бўлиб, ҳам ғоявий, илмий ва амалий жиҳатдан диққатга сазовордир.

Битирувчи демократик жараёнлар ривожланишида кўппартиявийлик омили мавзусига оид кириш, уч қисм ва хулосадан иборат малакавий ишни яқунлашга эришган.

Режага мувофиқ киришда асосланган мавзу долзарблиги ўрганилиш аҳволи, ишнинг мақсад ва вазифаларидан ташқари, унинг асосий қисмида мантиқан бир-бири билан узвий боғланган сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, жамиятимизда кўппартиявийлик муҳитининг шаклланиши, ривожланиши ва унинг демократик жараёнлар билан бевосита боғлиқлиги, кўппартиявийлик демократик жамият тараққиётининг зарурий шarti ва муҳим омили бўлган соғлом, ҳуқуқий асосланган муҳолифат фаолиятини вужудга келтириш ва таъминлашнинг муҳим механизми эканлиги асосланган. Малакавий иш зарурий ихчам хулоса билан яқунланган.

Унинг эътиборли томони ана шундаки, талаба ўз битирув малакавий ишини тақдимот қилиш учун 14 та слайдларни тавсия қилган. Бу эса унинг қийматини янада оширган.

Аmmo ишда эътирозга лойиқ томонлар учрайди. Чунончи, Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимидаги муаммоларни таҳлил қилиш, мавжуд партиялар фаолиятига танқидий ёндашишга эътибор етарли эмас.

Умуман олганда битирувчи Джабборов Азизбекнинг малакавий иши яхши даражада етарли малака билан бажарилган ва уни ижобий баҳолаш мумкин.

**Тақризчи:**

**доцент Р.Э.Қиличев**

Илмий Кенгашнинг 3- апрель 2005  
йилги 5-сон баённомаси билан  
тасдиқланган

## Бухоро Давлат Университети

\_\_\_\_\_ факультети

\_\_\_\_\_ таълим йўналиши

битирувчиси \_\_\_\_\_ нинг  
(Ф.И.Ш.)

Мавзусидаги битирув малакавий ишига ДАКнинг

### Хулосаси

Бухоро Давлат Университети ДАК Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги БМИ ни бажариш ҳақидаги 31.12.98 йил 362-сонли буйруғи билан тасдиқланган низомга асосан қуйидагиларни аниқлади:

1. БМИ нинг ҳажм ва талаб бўйича расмийлаштирилганлиги (меъёр: табиий йўналишлар – 50 бетдан, ижтимоий йўналишлар – 70 бетдан кам бўлмаслиги керак): талабга жавоб беради – 10 балл, талабга қисман жавоб беради – 7 балл, талабдан четга чиқиш ҳолатлари мавжуд – 4 балл.
2. Мавзунинг давлат ва университет грант дастурлари асосида ёки долзарб муаммолар бўйича танланганлиги: давлат дастурига кирган – 8 балл, грант лойиҳаси бўйича – 7 балл, БухДУ дастури бўйича – 6 балл, долзарб муаммолар бўйича – 5 балл.
3. Мавзу долзарблигининг асосланганлиги: етарли даражада асосланган – 5 балл, етарли даражада асосланмаган – 3 балл, ноаниқ – 2 балл.
4. Мақсад ва вазифаларнинг аниқ ифодаланганлиги: аниқ – 7 балл, тўлиқ аниқ эмас – 5 балл, аниқ эмас – 3 балл.
5. БМИ бажаришда илмий текшириш методларидан фойдаланганлик даражаси: тўла – 7 балл, қисман – 5 балл, етарли эмас – 3 балл.
6. Олинган натижаларнинг янгилиги ва ишончилиги даражаси: натижа янги – 8 балл, илгари олинган – 6 балл, тўла ишончли эмас – 3 балл.
7. БМИ нинг хулоса қисмда ишлаб чиқаришга тавсиялар берилганлиги: бевосита ишлаб чиқаришга тавсияси бор – 6 балл, ижтимоий соҳада

- қўллашга (таълим, атроф – муҳитни ҳимоя қилиш, маънавий – маърифий...) тавсия қилинган – 5 балл, тавсия йўқ – 3 балл.
8. Битирувчининг мавзу бўйича олинган натижаларини танқидий баҳоланганлиги даражаси: аниқ – 8 балл, тўла аниқ эмас – 6 балл, танқидий баҳоланмаган – 4 балл.
  9. Ишнинг илмийлик характери: илмий тадқиқотлар асосида – 8 балл, аралаш шаклидан – 5 балл, рефератив характердан – 3 балл.
  10. Адабиётлардан фойдаланганлик даражаси: илмий – амалий журналлар, монография, етакчи олимлар асарларидан тўла фойдаланилган – 8 балл, илмий адабиётлар кам фойдаланилган – 6 балл, фақат дарслик, маъруза матнлари, ўқув қўлланма ва маълумотномалардангина фойдаланилган – 4 балл.
  11. Битирувчининг маърузасига баҳо: аъло – 10 балл, яхши – 7 балл, қониқарли – 6 балл.
  12. Берилган саволларга жавоблари: тўлиқ – 8 балл, ўрта – 6 балл, қониқарли – 4 балл.
  13. БМИ ни ташқи тақризчи томонидан баҳоланиши: аъло – 7 балл, яхши – 6 балл, қониқарли – 5 балл.
  14. БМИ га қўйилган якуний балл \_\_\_\_\_  
Баҳоси \_\_\_\_\_

Эслатма: Ҳар бир балл бўйича аниқланган баллнинг тагига чизиб белгиланади.

ДАК раиси \_\_\_\_\_  
Ф.И.Ш.имзо

Аъзолари \_\_\_\_\_  
Ф.И.Ш.имзо

\_\_\_\_\_  
Ф.И.Ш.имзо

\_\_\_\_\_  
Ф.И.Ш.имзо

(Мухр ўрни)

Сана “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2012 йил

# **Кўп партиявийлик – фуқаролик жамияти шаклланиши омили сифатида**

**Режа:**

## **Кириш**

- 1. Сиёсий партиялар ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни**
- 2. Ўзбекистонда кўп партиявийлик тизими ва фуқаролик жамияти шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари**
- 3. Ўзбекистонда шаклланган кўп партиявийлик тизими - фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим омили сифатида**

## **Хулоса**

## Кириш

Мустақилликнинг илк йилларидаёқ Президент Ислам Каримов бошчилигида эски мафкурадан воз кечиб, маънавий янгиланиш ва халқимиз онгига миллий истиқлол ғоясини сингдрилишга қаратилган сиёсатни амалга ошириб келинмоқда. Иккинланмасдан айтиш мумкинки, мамлакатимиз сиёсий ҳаётини янгилаш борасида биз танлаган тараққиёт йўлини ва ривожланиш тамойиллари ҳаётда ўзини оқламоқда.

Ҳар бир давлатнинг фақат иқтисодий жиҳатдангина ривожланганлиги унинг дунё ҳамжамияти тутган ўрнини белгиламайди, шунинг учун ҳам ўз олдида фуқаролик жамияти барпо этишни мақсад қилиб қўйган мамлакатлар сиёсий тизимни асосида шакллантиришлари табиий.

Ўзбекистон халқи ҳам демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуришни конституциявий нормалар асосида бош мақсад этиб белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шундай деган эди: “Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди. Аксинча ёрдам беради, шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла даражада рўёбга чиқишида кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўймайди. Яъни, эркинлик ва қонунга бўйсуниб бир вақтнинг ўзида амал қилади”<sup>1</sup>. Бунинг учун, энг аввало, кишиларнинг сиёсий фаоллигини юксак даражага кўтаришга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Фуқароларнинг сиёсий-ижтимоий жиҳатдан етуклиги унинг давлат ҳаётида фаол иштирок этиши билан белгиланиши шубҳасиз.

Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиларидан бири – бу жамиятнинг кўппартиявийликка асосланган тизим асосида ривожланиши, барча даражадаги сайловларнинг кўппартиявийлик асосида ўтказилиши, шунга мос тарзда фуқаролар дунёқараши ва сиёсий маданиятининг юксалиб боришидир.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. Ўзбекистон 1997. Б-173.

Ушбу битирув малакавий ишга қўл уришимдан мақсад, одил фуқаролик жамияти куришни мақсад қилиб қўйган Ўзбекистон учун сиёсий партияларнинг нечоғли аҳамиятли эканини очиб беришдан иборатдир.

Мавзунинг долзарблиги шундаки, гарчи Ўзбекистоннинг мустақил бўлганига қарийб 21 йил тўлаётган давомида кўппартиявийлик тизимини ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилган бўлсада, сиёсий партияларнинг фаолияти талаб даражасида эмас. Улар эркин фаолият кўрсатиш учун барча ҳуқуқий асослар яратилган.

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришда 1996 йилнинг август ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 6-сессияси муҳим ўрин тутди. Сессияда Президент Ислон Абдуғаниевич Каримов "Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари" мавзусида сўзлаган нутқида жамиятимиз тузилмаларида мувозанатни сақлайдиган кучли оммавий жамоат бирлашмалари бўлмас экан, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларида ўзбошимчалик, ва валютаризм, авторитар тафаккур ва бошқарув аппаратининг коррупцияси сингари иллатлар пайдо бўлмаслигига жиддий кафолат бериб бўлмаслигини айтган эди.<sup>1</sup>

Фуқаролик жамияти, унинг муҳим белгиларидан бири бўлган сиёсий партиялар хусусида илмий изланишлар олиб борилган ва ҳамон давом этмоқда. Жумладан, сиёсий партияларнинг илк тадқиқотчиси инглиз сиёсий арбобларидан бири Жон Толанд ўзининг "Партиялар воситасида бошқариш санъати" номли трактида, Генри цент Жон Болингброк "Партиялар ҳақида фикрлар" асарида, Р.Доуз, К.Берк, В.Хасбах, М.Вебер, С.Эндерсвельд, Ж.Ла.Валомбара, Х.Портеллилар тадқиқотлар олиб бордилар. Шунингдек, америкалик сиёсатшунос Д.Эптер ва Клаус фон Бойме сиёсий партияларнинг функциялари хусусида, француз сиёсатшунослар М.Дневерже, Ж.Блондель, Р.Ж.Шварценберг, Ж.Шарло сиёсий партиялар типологиясини ишлаб чиқдилар.

---

<sup>1</sup> Каримов И. Ҳозирги босқичда демократик ислохотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари Т. Ўзбекистон 1996. Б-26-27.

Ўзбекистон сиёсатшуносларидан М.Қирғизбоевнинг "Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар", "Партология", "Фуқаролик жамияти институлари", Д.Аҳмедовнинг "Хорижий мамлакатларда сиёсий партиялар ва партиявийлик тизими", Р.Жумаевнинг "Сиёсий тизимни ислохлаштириш", Х.Одилқориевнинг "Конституция ва фуқаролик жамияти" асарларида асослаб берилган. Хусусан, М.Қирғизбоевнинг юқорида тилга олинган асарларида фуқаролик жамияти, сиёсий партияларнинг тарихи, унинг фуқаролик жамиятида тутган ўрни ҳақида асосли фикрлар билдирилган.

Шунингдек, Н.Жўраев, И.Эргашев, Н.Дўстматов, Қ.Рўзматов ва Президент Ислон Каримовнинг бир қанча асарларида фуқаролик жамияти қуришда сиёсий партияларнинг ўрни хусусида фикрлар билдирилган.<sup>1</sup> Хуллас мен ушбу битирув малакавий ишимни фуқаролик жамиятини шакллантиришда кўппартиявийликнинг аҳамиятини кўрсатишга ҳаракат қилдим. **Битирув малакавий ишда қуйидагилар асосий вазифалар** қилиб олинди: Биринчидан сиёсий партиялар ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни.

Иккинчидан, Мамлакатимизда кўппартиявийлик тизими ва фуқаролик жамияти шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари. Учинчидан Мустақил Ўзбекистонимизда кўппартиявийлик тизими шаклланишини фуқаролик жамияти шаклланишидаги ўрни ва аҳамиятини ўрганишдан иборат.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва сенатининг Қўшма Мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик жамиятини ривожлантириш

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. Ўзбекистон 1997.

Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Т. Ўзбекистон 1999

Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. Т.Ўзбекистон 2002й

Каримов И.А. Сиёсий партиялар фаол ва қурашган бўлмоғи керак. XXI аср. 2004 й.

Каримов И.А. Кучли давлатдан кучли жамият сари. Т. Шарқ 1998.

Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма Мажлисидаги маъруза 2010 йил 10 ноябрь. Т. Ўзбекистон 2010 й

Концепцияси" номли маърузасида ҳам сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги ролини оширишга қаратилган қатор таклифлар илгари сурилди.<sup>1</sup> Мазкур битирув малкавий ишда уларни асос қилиб олинди ва муайян хулосалар қилинди.

Шундан келиб чиқиб бугунги кунда Ўзбекистонда ислохотларнинг бориши ва фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида юртимизда тобора мустақкам шаклланиб бораётган кўппартиявийлик тизимининг шаклланиш жараёнлари ва уни ўзига хос хусусиятлари ҳамда юртбошимиз И.А.Каримов томонларидан илгари сурилган "Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари концептуал ғояларини амалий жиҳатдан жамиятимиз сиёсий ҳаётидаги ўрни ва ҳамиятини ўрганиш заруратга айланиб бормоқда.

## **1. Сиёсий партиялар ва уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни**

Ўзбекистон ҳуқуқий демократик жамият қуришни ўзининг бош мақсади деб белгилади. Бунинг учун, энг аввало, кишиларнинг сиёсий фаолиятини юксак даражага кўтаришга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Омманинг сиёсий-

---

<sup>1</sup> Қирғизбоев М. Партология Т. "Академия" 2007, Б-53

ижтимоий жиҳатдан етуклиги унинг давлат ҳаётида фаол иштирок этиши билан белгиланади.<sup>1</sup>

Бу жиддий масала ўз-ўзидан мамлакатимиздаги сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг зиммасига ҳар жиҳатдан масъулият юклайди. Демократик парламентаризм ҳамда ижобий сиёсий рақобат нима, деган саволлар кўпчиликни қизиқтириши табиий. Умуман олганда, демократик жамият барпо этишда сиёсий партияларнинг ўрни қандай бўлиши керак?

Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрнини англаш учун уларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши жараёнларини чуқур таҳлил этиш зарурияти туғилади.

XI аср ўрталарига келиб Италияда сиёсий кучларнинг ўта кутблашиши бошланди. Папа билан император ўртасида турли низолар кучайиб борди. Бу воқеалар натижаси ўлароқ, "Черков партияси" ва "империя партияси" туғилади. Кейинчалик, яъни бир аср атрофидаги тарихий муддатдан сўнг бу партиялар "гвельфлар" ва "гибеллинлар" деб аталади.

Бу партиялар бир-бирига қарама-қарши ҳодисаларни ўзида акс эттирар эди. Гвельфлар томонидан асосан савдогар ва ҳунармандлар кўпроқ бўлса, гибеллинлар томонидан феодаллар кўпчиликни ташкил қилар эди. Шу тариқа Италияда кейинчалик тарихий манбаларда партияларнинг ўтмиш дамлари деб аталадиган икки "партиявийлик"нинг илк кўринишлари пайдо бўлди<sup>2</sup>.

1642-1646 йилларда Англияда бўлиб ўтган фуқаролар уруши жараёнида парламент ва армияни ўз қўли остида назорат қилиб турган претвитериан партияси, ўрта ҳол табақа, ўрта ва майда дворянлар вакиллари манфаатларини ҳимоя қилувчи, нисбатан радикал бўлган индепенденлар партияси тузилган. Кейинчалик Жон Лильберн бошчилигидаги ливеллерлар партияси сиёсий майдонга кириб келди.

---

<sup>1</sup> Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. Т.Шарқ 1998. Б-17

<sup>2</sup> Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. Т.Шарқ 1998. Б-15

Ливеллар сўзи инглизча to level - "тенглаштирмақ" деган маънони англатади.

1660-1688 йиллар орасида амалга оширилган Реставрация даврида сиёсий мухолифат тобора шаклланиб борди. Натижада қирол ҳокимиятини чегаралашни талаб қилиб чиққан вигилар партияси ташкил топди. Бу партиянинг бошида йирик аристократлар сулоласи вакиллари - граф шефтсбери, Лорд Рассел ва бошқалар турди. Бу партия аъзолари ўзларини "вигилар" деб аташига сабаб шуки, фуқаролар уруши йилларида Шотландиядаги католиклар ўта муросасиз бўлган кишиларни "вигилар" деб атаганлар.

Вигиларга қарама-қарши бўлган кучлар аристократик торилар партияси атрофида бирлашдилар. Ирландиялик католик- партизанларни "торилар" деб аташар эди. Бу партия қиролни қўллаб-қувватлар ва монарх ҳуқуқлари чегараланмаслигини талаб қилар, шунингдек, мутлоқ монархияни қўллаб-қувватлар эди. Бу партиянинг назария асослари файласуф Гоббс асарларидан озиқланган эди. Шунинг учун ҳам Гоббс Карл II олдида ҳурмат-эътибор қозонди<sup>1</sup>.

Иккала партия ҳам 1679 йилга келиб ўз шаклланиши даврини тугатди.

Франция ижтимоий-сиёсий ҳаётида 1789-1848 йиллар ўртасида кўплаб клуб ва жамиятлар дунёга келди. Улар мамлакат тарихида чуқур из қолдирди. Францияда сиёсий онгнинг шаклланишида муҳим ўрин тутган клублардан қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: А.Барбес, Собрие, М.Дюфресс ва Э.Торелар раҳбарлигидаги "инқилоб клуби", Бланки бошчилигидаги "Марказий Республика жамияти", Распайлнинг "Халқ дўстлари" клуби, Э.Кабе асос солган "Марказий қардошлик жамияти", 1848 йилда ташкил топган "Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари жамияти". Албатта, бу клуб ва жамиятлар узоқ давом этган тарихий тараққиёт жараёнида ўтмишдошлар сифатида ҳақиқий партияларнинг шаклланишига негиз бўлиб хизмат қилди.<sup>2</sup>

---

<sup>1</sup> Умаров Б. Эркинлик ғояси такомилли. Т. "Академия" 2009. Б-23

<sup>2</sup> Жўраев С. Фуқаролик жамияти: назария ва амалиёт Т. Давлат шарқшунослик институти нашри. 2007 Б-64

Дастлабки икки партиявийлик тизимнинг шаклланишига асос солинган АҚШда 18 аснинг 70-80 йилларида партиялар тузилиши учун, табиий шарт-шароитлар яратилган эди. Илк партиявийлик тизимининг пайдо бўлишида Америка жамиятининг таниқли ва буюк арбоблоари бўлмиш Томас Жефферсон, Александр Гамильтон, Жеймс Медисон, Жон Адамс кабиларнинг ўрни беқиёсдир.

Японияда 1867-1868 йиллардаги инқилобий ўзгаришлар, 1872-1873 йиллардаги аграр ислохотлар натижасида ерга хусусий мулкчилик пайдо бўлди. Тадбиркорлик ва ишбилармонлик учун шарт-шароит туғилди. аста-секинлик билан олий дворянлик, самурайлик ва оддий халқ, бир-биридан фаркланиб, уларнинг ижтимоий табақалашуви кучайди. 80-йилларда сиёсий аҳвол кескинлашуви натижасида мамлакатдаги турли сиёсий партиялар пайдо бўла бошлади. 1881 йилда Риккэн дзюто (конституциявий либерал партия) ёки оддийгина Дзюто (Либерал партия) партияси тузилди.

Японияда партияларнинг пайдо бўлиши билан парламентдаги мухолифат ҳукуматнинг уюшган тўдалар, бюрократия ва ҳарбийлар таъсирида шаклланишига чек қўйилди.<sup>1</sup>

Умуман, АҚШ, Европа ва Японияда ташкил топган партияларнинг ўтмишдошлари ва илк партияларнинг тажрибалари, сабоқлари ҳозирги замон партияларининг шаклланиши учун муҳим босқич бўлди.

Ҳозирги замонга хос илк сиёсий партиялар янги даврга келиб шаклландилар. Айниқса, 19 асда Ғарбий Европа ва Шимолий Америка мамлакатларидаги партиялар сиёсий вакиллик институти характерини касб эта бошлади.<sup>2</sup>

19 аср охири 20 асрдаги давлат арбоблари ва таниқли машҳур олимлар сиёсий партияларни жамият ҳамда давлат бошқаруви учун муҳим бўлган демократик институт сифатида талқин эта бошладилар.

---

<sup>1</sup> Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: назария ва хорижий тажриба Т. Янги аср авлоди 2006. Б-20

<sup>2</sup> Халилов Э.Ҳ. Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарор топиши ва ривожланиши. Т. Ўзбекистон 1999 Б-3

Ҳозирги замон жамиятларида давлатнинг турли оммавий жамоат ташкилотлари билан ўзаро алоқаларни кузатиш шуни кўрсатмоқдаки, мавжуд сиёсий тизимда иштирок этаётган партиялар жамият ва давлат муносабатлари тизимида марказий ўринни эгаллаб келмоқда.

Сиёсий партиялар сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси сифатида давлат органларининг шаклланиши ва фаолиятида, давлат қарорларининг қабул қилинишида тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Қолаверса, сиёсий партияларнинг мавжудлиги - демократик тизимлар ривожланишининг зарурий шарт-шароитларидан биридир.

Демократия тамойиллари нуқтаи назаридан ёндашганда эса сиёсий партиялар давлат органлари тузишга кирмайди ва бевосита давлат ишларида иштирок этмайди. Аммо сиёсий партиялар бир вақтнинг ўзида ҳам давлат соҳасига, ҳам фуқаролик жамиятига тааллуқли ижтимоий институт эканлиги билан ажралиб туради.

Ғарбдаги ривожланган мамлакатларда партиялар консерватизм, либерализм, социал-демократия каби қутблашган сиёсий мафкуралар оқимлари билан уйғунлашган тарзда ифодланмоқда.

Партияларнинг сиёсий тизимдаги ўрни кучайиб бориши билан уларнинг мақомлари ва ҳуқуқий тартиботлари даражаси ҳар бир мамлакатда турлича шаклларда намоён бўлмоқда. Партияларга доир қоидалар ҳар бир мамлакатдаги ҳуқуқий манбаларда турлича шаклларда талқин қилинган: конституция ва қонунлар, конституциявий меъёрлар; ҳукумат декретлари ва қарорлари; парламент палаталари регламентлари; конституциявий назорат ҳуқуқи берилган мамлакатларда эса суд қарорлари.

Бир неча юз йиллардан буён ўз конституциясига эга бўлган АҚШ ва Буюк Британия каби мамлакатлар партиялар тўғрисида ҳеч нарса эсланмайди. Ваҳоланки, бу мамлакатларда икки партиялилик тизими бутун конституцион механизмнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин

қабул қилинган конституцияларга эга сиёсий партиялар тўғрисида махсус қоидалар киритилган.

Бу даврда қабул қилинган Италия (1974), Япония (1948), ГФР (1949), Франция (1959), Бразилия (1969), Греция (1975), Португалия (1976), Испания (1978), конституцияларида сиёсий партияларга доир алоҳида ҳуқуқий мақомлар ўрин олган. Кўплаб давлатларда эса сиёсий партияларга доир алоҳида қонунлар ҳам қабул қилинган.

Бундай қонунлар меърлари қуйидаги мамлакатлар учун хосдир: ГФР (1967), Португалия (1975), Австралия (1975), Испания (1978), Ўзбекистон Республикаси (1996). Қуйидаги давлатларда эса сиёсий партияларни молиялаштиришга доир қонунлар қабул қилинган: Швеция (1956), Финландия (1869), АҚШ (1974), ГФР (1983), Ўзбекистон (2004).

Партияларнинг жамият сиёсий тузимида тутган ўрнини таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, сиёсий партиялар ўз сиёсий функцияларини амалга оширишда асосан сайлов жараёнини ўтказишда марказий восита сифатидаги мақомини ҳамон сақлаб келмоқда. Умуман халқ сайловлари орқали давлат ҳокимияти вакиллари органларини шакллантириш демократик ҳуқуқий давлатнинг энг муҳим белгисидир.

Демократик давлатларда сайловлар муҳим аҳамиятга эга эканлиги шундаки, улар мамлакат парламенти қандай сиёсий кучлардан ташкил топишини аниқлаб беради. Сайловлар мамлакат аҳолисининг кайфияти ва кимни афзал билишини намоён этувчи кўрсаткич сифатида ҳам катта аҳамият касб этади. Юридик фанлари доктори Э.Х.Халилов: "Сайловлар давлат ҳокимиятини ошқора янгилашнинг самарали омилдир"<sup>1</sup> деб таъкидлайди.

Сайловлар ҳозирги замон демократиясининг муҳим институти, халқ ўз хохиши-иродасини ифода этиши ва сиёсий жараёнда, давлатни бошқаришда иштирок этишнинг асосий шаклларида бири ва айни пайтда ҳокимият вакиллик

---

<sup>1</sup> Исломов З.М. Сиёсий рақобат ва демократик сайловлар. Икки палатали парламентга сайлов назария ва амалиёт масалалари. (илмий-амалий конференция материаллари. ТДЮИ. 2004 Б-29

органларини шакллантиришнинг усулидир. Эркин сайловлар орқали нафақат олий давлат ҳокимияти шакллантирилади, шу билан бирга унинг халқ олдидаги масъулияти ҳам ошади.

"Сайловларда иштирок этувчи ва унинг натижасида ўз номзодларини давлат корхоналарига ўткази олишга имконияти бор ҳар қандай сиёсий гуруҳ партиядир"<sup>1</sup> - деб таърифлайди сиёсий партиялар бўйича машҳур олим Ж.Сатори.

Сиёсий партиялар ҳозирги замон демократия тизимининг ажралмас таркибий қисми, сайлов кампанияларининг асосий иштирокчиларидан бири сифатида чинакам рақобат воситаси, ҳокимият учун кураш усули ҳисобланади.<sup>2</sup>

Қадим Туркистон халқларининг яқин тарихда турли давлатларга бўлиниб кетиши илгари жаҳон цивилизациясининг муҳим марказларидан бири бўлган бу ҳудудда ўзаро низолар натижасида рўй берган иқтисодий, маданий ва сиёсий инқирозлар оқибатида ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижроия, суд ҳокимиятларига тақсимланиши, шунингдек, кўппартиявийлик тизимларининг шаклланиши бир неча асрларга кечиккан эди.

Ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарида бошланган Россиянинг мустамлакачилик юришлари, Туркистоннинг Россия мустамлакасига айланрилиши бу ердаги жамият ва давлатчилик ривожини бутунлай издан чиқарди.

Мустамлакачилик сиёсати Туркистон халқларининг бир неча минг йиллар давомида шакланган маданияти, миллий мероси, дунёқараши, ўзига хос менталитетининг йўқолишига, ярим феодал, ярим ҳарбий усулда бошқарилаётган деҳқонлар мамлакати - қолоқ Россия сиёсий тузуми ва ҳаёт тарзини кўр-кўрона тикиштиришга олиб келди.

Ана шундай аянчли аҳволга қарамай, Туркистон халқлари тарих сахнасидан йўқолиб кетмади, балки ўзлигига қайтиш учун қайтадан уйғона бошлади.

---

<sup>1</sup> Ўша асар Б-31

<sup>2</sup> Мунаввар Қори Хотираларим. турон тарихи. Т. Мерос 1992 Б-17-19

Туркистондаги миллий озодлик учун курашга отланган дастлабки ижтимоий-сиёсий оқим - жадиждлар ҳаракати эди.

1909 йилда Мунавварқори ва унинг сафдошлари туркистондаги илк ташкилотлардан бири "Жамияти хайрия" га асос солдиларю. Шу каби ташкилот 1910 йил Бухорода ҳам тузилди. Ҳожи рафий, Мирза Абдувоҳид, Усмонхўжалар "Тарбияи атфол" ("Болалар тарбияси") жамиятини туздилар.

Илк ўзбек адвокати номини олган Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев раҳбарлигида зиёлиларнинг илк партияси "тараққийпарварлар" тузилди. 1913 йилда жадиждлар "Турон" жамиятини, Қўқонда "Ғайрат", Андижонда "Тараққийпарвар" жамиятлари ташкил топди<sup>1</sup>.

Октябрь тўнтариши арафасида "иттиходи тараққий" ("Тараққийпарварлар уюшмаси") га асос солинди. Тошкентда бир қанча фаоллар иштирокида "Бирлик" жамиятига асос солинди. шунингдек, "Шарқ озодлиги" уюшмаси ташкил топди. Унга Мустафо Субҳий раҳбар этиб тайинланди.<sup>2</sup>

Жадиждчилик таъсирида аср бошларида Бухорода "Ёш фикрлилар" оқими вужудга келди. Абдулвоҳид Мунзим, Мирза Мухиддин, Садриддин Айний, муфти домла Икром, Қози Абдусамад каби илғор зиёлилар бу оқимнинг етакчилари эди. "Ёш фикрлилар" ўз фаолиятларини янги усулдаги мактаблар (усули жаид) ташкил этишдан бошлагани учун "жадиждлар" деб аталдилар.

"Тарбияи атфол" жамияти томонидан истамбулга юборилган Абдурауф Фитрат 1909-1913 йилларда ўз билимини ошириб келиб, ўзининг Бухородаги кенг фаолиятини бошлади. Бухорода "Ёш бухороликлар" партиясининг фаолияти кучайди. Файзулла Хўжаев шу пайртиянинг раҳбарларидан бири эди.

XX аср бошларида илғор зиёлилар Хива хонлигида ҳам Россия империяси ибтидоидан қутулиш мақсадида "Ш хиваликлар" ташкилотини туздилар. Бобоохун Салимов, Полвонниёз Ҳожи Юсупов, Мулла Жуманиёз Султонмуродов каби маърифатпарварлар мазкур ташкилотнинг йўлбошчилари эдилар.

<sup>1</sup> Мунаввар Қори. Хотираларим. Турон тарихи Т. "Мерос" 1992 Б-17-19

<sup>2</sup> Шарипов Р. Туркистон саҳифаси, Жадиждлар, Мухториятлар, Қўрбошилар. Учинчи мақола. "Миллий тикланиш" 1993. 3 июнь

Миллий мустақиллик учун кураш жараёнида "Шўрои исломия", "Шўрои уламо", "Мирваж ул-ислом", "Мифтоҳ ул-маориф", "Равнақ ул-ислом", "Иттифок ул-муслиин", "Турон" каби турли мусулмонлар ташкилотлари тузилди.

1921 йилда Бухорода жаидлар "Эрк" ва қозоқларнинг "Алам Ўрда" партиялари томонидан узоқ музокаралардан сўнг "№Умумплатформа" қабул қилинди. У қуйидаги бандлардан иборат эди:

1. Миллий мустақиллик;
2. Демократик жумҳурият;
3. Миллий аскар;
4. Иқтисодий идора, темир йўл қуриш, каналлар қозиш, Туркистоннинг асл мустақиллик асосларини юзага келтириш;
5. Маорифни тамоман ислоҳ қилиш;
6. Миллий мактаблар, мамлакатнинг табиий бойлигидан умумий фойдаланиш масалаларини мамлакатда яшаётган миллатларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ҳам этиш;
7. Динга тўа ҳуррият бериб, дин билан дунё ишларини бир-бирига аралаштирмаслик

Жаидлар партияси аъзолари ўзларини миллий либерал йўналишдаги партия деб билсалар "Эрк" партияси социалистик йўналиш мақомини олганди. Кўп ўтмай мазкур жамиятнинг номи "Туркистон миллий бирлиги" деб ўзгартирилди. Бухоро халқ жумҳурияти бошлиғи Файзулла Хўжаев бу ташкилотни янада ривожлантириб, уни "Миллий истиқлол" фуқароси номи остида сиёсий партия даражасига кўтарди<sup>1</sup>.

Жаидлар ҳаракати Туркистоннинг XX аср бошларидаги ижтимоий-сиёсий ва маънавий тараққиётининг табиий ҳосиласи эди. Агар большевиклар бу ҳаракатни йўқ қилмаганида эди, Ватанимизда 20-йиллардан бошлаб кўппартиявийликка асос солиниши аниқ эди. Лекин икки ҳоким коннумнистик мафкура, сиёсий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида эгаллаб олган большевиклар

---

<sup>1</sup> Гаджиев К.С. Политическая наука. М. 1995, -135

партияси мустақиллик иштиёқида ёнган жадидлар ҳаракатини куч ва алдовлар йўли билан йўқ қилди.

Биз юқорида сиёсий партияларнинг пайдо бўлиши, ривожланиш жараёнларини кўриб чиқдик. Хўш сиёсий партиянинг ўзи нима? Унга қандай таъриф бериш мумкин?

Турли манбааларга сиёсий партияга турлича таърифлар берилган. Жумладан, инглиз сиёсий арбоби Генри Цент Жон Болингброк (1658-1751) "Партиялар ҳақида фикрлар" аарида "партияни миллатнинг овози" деб атайди. Р.Доуз сиёсий партияни "жамоат ташкилотларининг энг сиёсийси" деб атаган эди.

Ҳозирги даврга энг яқин партия тушунчасини М.Вебер очиб берган эди: "Партиялар аъзоликка қабул қилишнинг ихтиёрийлигига асосланган, ўз олдида фаол аъзоларининг моддий фойда ёки шахсий имтиёзлар олиш учун маънавий ва моддий шароитлар яратиш ҳамда ўз раҳбарияти учун сиёсий ҳокимиятни эгаллаш мақсадини қўйган жамоат ташкилотларидир."<sup>1</sup>

Партия - (лотинча *partia*бўламан, ажратаман) ғоявий жихатдан маслакдош, манфаатлари муштарак бўлган, шунингдек, муайян ишни бажариш учун ажратилган кишилар гуруҳи.

Сиёсий партия (лотинча "*pars*", "*partis*" - қисм гуруҳ; эски ўзбекчаси арабчадан "фирқа" - гуруҳ тўда) умумий ҳоя ва манфаати, ижтимоий-сиёсий мақсадлар аосида одамларни ихтиёрий равишда уюштирувчи турғун ташкилот, фуқаровий жамият билан давлатни бир-бирига боғловчи энг муҳим воситалардан бири, ҳозирги замон ҳуқуқий демократик давлат ҳаётининг зарурий омилларидан бири.<sup>2</sup>

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 60-мондасида сиёсий партияларга қуйидагича таъриф берилади: "Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси 6-том. Т. 2003, Б-698

<sup>2</sup> Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат. Т. "Шарқ" 1998, б-198

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Т. Ўзбекистон 2010. Б12

билан сайлаб қўйган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар.<sup>1</sup>

1996 йил 26 декабрдаги "Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун" нинг 1-моддасига биноан, "Сиёсий партиялар Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилуи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгиллилар бирлашмасидир.<sup>2</sup>

Тадқиқотчи Жалилов А. ўзининг "Сиёсий партия ва демократия ўзаро алоқа ва боғлиқлик" мақоласида бу тўғрида қуйидагиларни кўрсатади:<sup>3</sup> Ҳозирги давр ғарбий сиёсатшунослик фани сиёсий партияни ифодалаш мақсадида унинг қуйидаги белги ва функцияларига эътибор қаратади:

Биринчидан Сиёсий партиялар - расмий ва ташкилий тузилмага эга;

Иккинчидан, ҳокимият тепасидан расмий назоратни амалга ошириш учун курашнинг махсус функциясини амалга оширувчи;

Учинчидан, мафкуравий доктрина белгиси асосида бирлашган, умуммиллий манфаатларни ифодалашга даъвогарлик қилувчи;

Тўртинчидан, ҳуқуқий мақомга эга бўлган;

Бешинчидан, сайлов жараёнларига қўйилган нодавлат институт тури ва гуруҳий бирлашмадир.

XX асрда демократик характерга эга бўлган сиёсий партияларнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат бўлди:

-алоҳида олинган фуқаролар, ижтимоий табақалар ва гуруҳлар манфаатларини бирлаштириб, сиёсий манфаатлар мажмуаси даражасига кўтариш;

---

<sup>2</sup> "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонун. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1997. №2

<sup>3</sup> Жалилов А. Сиёсий партия ва демократия: Ўзаро алоқа ва боғлиқлик. // Мулоқот. 1999 №3 Б-5

-партия фуқаролар хоҳиш-иродаси ва танлови асосидаги ҳокимиятини сайловлар натижасида шакллантиришнинг муҳим ва асосий воситаси бўлиш;

-бажарилиши шарт бўлган сиёсий қарорларнинг демократик асгитимлаштириш, жамият томондан тан олишни таъминлашга эътибор қаратиш;

-турли даражадаги сайловлар воситасида ҳокимиятни шакллантириш, бошқарувчи кадрлар тизимини легитимлаштириш, уни фуқаролар томонидан тан олдириш ва эътироф этилишини таъминлаш;

-партиялар қуйи ташкилотларидаги кўп қиррал фаолиятларида ўз партия дастурлари, маҳаллий бошқарув органларини баҳолайдилар, молиявий йиғинлар хулосалари, оммавий ахборот воситаларидаги фол иштироклари воситасида жамоатчилик фикрини шакллантирида, бунда ифода этишган турли қарашлар асосида ҳаракат дастурлари тузилади, ўз фаолиятини ана шу дастур доирасида ташкил этади;

-жамиятнинг ўзлари қамраб олган ижтимоий-сиёсий кенгликларида фуқаролар сиёсий онги шаклланиши ва сиёсий маданияти юшсалиши учун ижтимоий-сиёсий муҳит яратади;

-партия демократик сайловларда сайланган ўз вакиллари турли даражадаги депутатлари, турли мансабларни эгаллаган партиядошлари, шунингдек, партиявий фракциялари воситасида ўз муқобил дастурларини амалга ошириш, ҳукумат ва парламентга таъсир кўрсатади;

-сиёсий мақомларини "давлат иродаси" билан уйғунлаштиради;

-партия халқ билан давлат органлари ўртасидаги алоқалар ва муносабатларни доимий равишда таъминлаб туради.

Сиёсий партиялар фуқаролик жамиятининг муҳим унсури ҳисобланади. Айни фуқаролик жамияти негизида, қобиғида халқнинг сиёсий иродаси шаклланади, тўлақонли кўппартиявийлик жамиятининг чинакам демократияга

асосланганлигининг туб белигларида биридир. Бу ерда халқ учун танлаш имконияти, сиёсий партиялар учун эса - мусобақалашуу зарурати мавжуд.<sup>1</sup>

Фуқаролик жамияти давлат ҳокимияти ва бошқарувини эмин-эркин ихтиёрий равишда, яъни демократик тарзда шакллантиришнинг кенг ижтимоий негизидир. У давлат ҳокимияти тизимининг қандай бўлиши учун бутун масъулиятни халқнинг ўз зиммасида эканлигини аниқлатадиган ҳол.

Сиёсий партиялар - шунинг учун ҳам сиёсийки, унинг диққат марказида давлат ҳокимиятини, демократик сайловлар орқали эгаллаш мақсади туради, у шунинг учун ҳам партияки, халқнинг муайян қисмини уюштиради ва ундан маълум муддатга давлатни идора этишга ваколат олади.

Жамиятда фаолият юритаётган партияларнинг сонига қараб, давлатнинг партиявий тизими аниқланади. Партиявий тизим тушунчаси муайян сон ва ўлчовлар (сайловчилар ҳажми, ички тизимлар турлари ва бошқа меъёрлар), шунингдек, бир-бири билан ҳамкорлик қила олиш имкониятларига эга бўлган мустақил субъектлар (партиялар) мажмуасидан иборат сиёсий кенглик демакдир.<sup>2</sup>

Ҳозирги даврда партиявийлик тизимларнинг тўртта тури мавжуд:

1. Бир партиявийлик (монопартизм)
2. Бипартизм (икки партиявийлик)
3. "Икки ярим партиявийлик"
4. Кўппартиявийлик

Монопартиявийлик тизими аслида авторитар ва тоталитар жамиятлар учун хосдир. Унда мавжуд партия бутун ҳокимиятни ўз қўлига олиб, жамиятга ўз таъйиқини ўтказди. Ушбу партияга фуқаролар мажбурият юзасидан аъзо бўлишади (масалан, собиқ КПСС).

Бипартизм тизимида эса умумий, тўғридан-тўғри сайловлар натижасида парламентда кўпчиликни жойларни эгаллаган иккита катта партиялардан биттаси

---

<sup>1</sup> Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. Т.Шарк 1998. Б-47

<sup>2</sup> Основы политологии. Под ред Пугачёва В.П. Москва. Знание. 1992 С-137-138

ҳокимият тепасига келади. Ушбу тизим Буюк Британия, АҚШ, Австралия ва бошқа давлатлар ҳукм суриб келмоқда.<sup>1</sup>

"Икки ярим партиявийлик" тизимига амал қилувчи жамоатда эса иккита кучли ва таниқли партиялардан ташқари яна учинчи партия ҳам сиёсий майдонда фаолият кўрсатади. Ана шу иккита партиядан қайси бирининг муваффақият қозониши учинчи партиянинг улардан қайси бири билан ҳамкорлик қилишига боғлиқ. Бу тизимда асосан колацион ҳукумат тузилади.

Агар жамиятнинг сиёсий кенгликларида учта ёки ундан ортиқ партия фаолият кўрсатса, бу ижтимоий-сиёсий манзара кўппартиявийлик деб аталади. Кўппартиявийлик тизим Франция, Россия, Япония, Италия ва бошқа мамлакатларда мавжуд. Жаҳон тажрибасидан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, кўппартиявийлик - жамиятнинг демократик тамойилларга асосланган ҳолда ривожланишининг қулай усулидир. Бироқ, шуни унутмаслик лозимки, "демократиянинг сифати партиялар сонининг кўп бўлиши билан белгиланмайди"<sup>2</sup>

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий омилларидан бири - демократияга асосланган сиёсий плюраизмни ташкил этишдир. Бунда асосий ролни сиёсий партиялар ўйнайди. Сиёсий плюрализм бўлиш учун жамиятда кўппартиявийлик тизими мавжуд бўлмоқғи даркор.

Фуқаролик жамиятида сиёсий партияларнинг ўрни шуниси билан аҳамиятлики, бу жамиятда биринчи ўринга фуқаро манфаатлари кўйилар экан, ҳар бир сиёсий партия фуқароларнинг маълум бир қисми манфаатларини бирлаштириб, халқнинг фаровон ҳаёти учун ўз дастурларини ишлаб чиқади, давлат томонидан ҳавола этилаётган меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилинишида бевосита қатнашади. Сиёсий партиялар ҳокимиятни бошқаришда ўз мавқеига эга бўлиши учун реал дастурлари билан сайловларда қатнашиб, кўпроқ сайловчиларга эга бўлиши керак. Бунинг учун сиёсий партиялардан катта

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. Ўзбекистон 1997. Б-175

<sup>2</sup> Т.Набиев. Жамиятнинг муҳим сиёсий бўғини // "Маърифат" 2003. 5-июнь

масъулият талаб қилинади. Унинг олдига қўйган вазифаларини қоғозда қолдирмай, балки ҳаётга жорий қилиниши керак.

## **2. Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизими ва фуқаролик жамияти шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари**

Демократиянинг энг муҳим белгиларидан бири бу ҳокимият вакиллик органларининг кўппартиявийлик фуқаролик жамиятининг ажратиб бўлмас белгисидир. Айнан кўппартиявийлик ва бошқа жамоат ташкилотлари орқали жамиятда турли ижтимоий, сиёсий гуруҳларнинг мақсад, эҳтиёж ва ниятларини ошқора бўлиб олиш имкони туғилади.

Кўппартиявийлик принципининг қонунлаштирилиши жамиятдаги барча сиёсий партиялар ва оқимлар ўртасида мунтазам равишда рақобатлашиши имконини беради. Агар бирорта партия ҳукумат таркибига кира олмаган тақдирда у муҳолифликда бўлиб, конституция доирасида умумий манфаатлардан келиб чиқиб ўз қарашларини ҳимоя қилади. Бошқача айтганда, кўп партиявийлик ўзига хос тотув яшаш бўлиб, унда ҳар бир сиёсий партия маълум даражада умумий манфаатлардан келиб чиқиб ўз йўлини танлайди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов инсонга унинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий турмушини кафолатлашда кўппартиявийликни шакллантиришнинг муҳим ва қонуний белгиси сифатида эътироф этилади.<sup>1</sup>

Ўзбекистонда кўппартиявийликни шакллантиришнинг илк жараёнлари демократик тараққитнинг келгусидаги ривожланишини белгилаб беришга катта аҳамият касб этади. Кўпчилик давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, кўп партиявийликни сунъий тарзда тезлаштириш аксарият ҳолларда демократияни мустаҳкамлашга эмас, аксинча, уни издан чиқаришга, анорхия ёки диктатуранинг

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т. "Ўзбекистон" 1996, Б-216

юзага чиқишига олиб келган. Ўзбекистон воқеалар ривожининг бундай кўринишини олдини олиш ва яратилаётган кўппартиявийликнинг фақат демократияни мустаҳкамлашга хизмат қилиши учун эволюцион сиёсий тараққиёт йўлини танлади.

Мамлакатимизда бу фаолият 90-йилларнинг бошларидаёқ бошланган эди. 1991 йилнинг 15 феврида Ўзбекистон Республикаси "жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши фуқаролик жамиятининг барпо этиш ғоясининг илк ҳуқуқий пойдевори бўлди. Қонуннинг аҳамияти шундаки, унда жамоат бирлашмаларининг давлатдан мустақил фаолият юритадиган тузилма эканлиги, улар фаолиятига мансабдор шахсларнинг аралashiши мумкин эмаслиги қатъий белгилаб қўйилди. Айнан шу қонунда биринчи бор сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг мамлакат тақдиридаги масъулияти давлат ташкилоқларига тенглаштирилди. Бундай муносабат Ўзбекистон танлаган биринчи амалий қадами эди.

Шу тариқа биринчи бор Президент сайловлари (1991 йил декабрь) ташкилий уюшқоқлик, сиёсий ҳамжихатлик муқобиллик асосида ўтказилди. Бу сайловларнинг тарихий ва сиёсий аҳамияти шундан иборатки, у илмий заминимизда илк бор демократиянинг асосий талабларидан бири - сиёсий ҳокимият лигитимлигини таъминлади.

1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши биз танлаган йўлнинг ҳуқуқий заминини яратиб берди. Унда фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асослари ҳам ўз ифодасини топди. Конституциянинг 13-бобида Республикада ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш ва бунда кўппартиявийлик тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари ўз ифодасини топди. Жумладан, Конституциянинг 60-моддасида "Сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифодалайдилар ва ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари

орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этадилар."<sup>1</sup> деб сиёсий партияларнинг ваколатлари белгилаб берилди. Айти пайтда, 57-моддада "Конституциявий тизимни зўрлик билан ўзлаштиришни мақсад қилувчи Республиканинг суверинетети, яхлитлиги ва хавфсизлигига фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек, ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг тузилиши ва фаолияти таъқиқланади"<sup>2</sup>, деб уларнинг масъулияти ва жавобгарликлари кўрсатилди.

Бу масаланинг назарий томони, унинг амалий жиҳати шу давр учун муаммо ҳисобланган томони - жамият аъзолари ана шу моддаларда белгиланган масъулият, ваколат ҳамда кафолатларни бундай англаб етиши билан белгиланади.

Маълумки, инсон турмуш тарзининг барча қирраларини ўз ғояси қобигига ўраб олган коммунистик мафкура асосида зуғум ва зўравонлик сиёсати бўлиб, у одамларимизнинг дунёқарашига таъсир этганлигини инкон эта олмаймиз. Табиийки, бу аҳоли сиёсий онгининг кескин пасайишига олибк елди. Жамият сиёсий ҳаётида тўлдириб бўлмайдиган бўшлиқ пайдо бўлди.

Ана шундай таҳликали вазиятда мамлакат раҳбари Ислом Абдуғаниевич Каримов сиёсий инқирозни бартараф этишдек масъулиятли ва мураккаб вазифани ўз зиммасига олди. Жамият ҳаётини ислоҳ қилишнинг энг мақбул эвалюцион йўли танланди. Масалан, 1991 йил 1 ноябрда Ўзбекистон демократик партияси (ХДП) га асос солинди. Ўзбекистонда айрим мамлакатдаги "демократия"дан фарқли ўлароқ, ўз фуқароларини янги демократик жамият қуриш йўлига сафарбар қилиш мумкин бўлган сиёсий ташкилот моҳиятан бутунлай бошқа тузилмага айланди. бу биринчи қадам сифатида сиёсий ислохотларнинг кейинги босқичлари муваффақиятини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Т. Ўзбекистон 2011. Б-12

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Т. Ўзбекистон 2011. Б-13

Иккинчи қадам, бозор иқтисодиёти ва демократик жамият куриш борасидаги ислохотлар, мулкчилик муносабатларининг чуқурлашуви жамиятда бу жараёнлар ифодачиси, бундай манфаатларни уйғунлаштирувчи ҳаракатга бўлган эҳтиёжини тақозо эта бошлади.

Шу тариқа 1994 йил 24 майда "Ватан тараққиёти" партияси вужудга келиб ўз дастурида асосан ишбилармон, тадбиркорларнинг саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириб, мамлакатимиз имкониятларини тўла юзага чиқариш ва шу йўл билан Ўзбекистон халқининг фаровон турмушига эришмоғини таъминлаш, эркин бозор муносабатлари асосида мамлакатимизни жаҳоннинг ривожланган давлатларидан бирига айлантириш каби ғояларни илгари сурди.

"Ватан тараққиёти" партияси 2000 йилга келиб, ўз мақсади ва маслаги билан яқин бўлган, 1998 йил 28 декабрда ташкил топган Ўзбекистон Фуқаролар Демократик партияси (ФМДП) билан бирлашди. Бу ўз навбатида Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг ривожланишида ўзига хос воқеа бўлиб, партияларнинг мафкурвий асосда ўзига хос ғоявий қутбларининг шаклланишини намоён этди.

Фидокорлар партиясининг вужудга келиши жамиятдаги сиёсий тараққиёт натижаси бўлиб, ислохотчилик ғояларини рўёбга чиқаришда жамиятнинг шижоаткор, тадбиркор ва ёш қатламлари кучларини ифодалашга бўлган интилиши сифатида намоён бўлди. Партиянинг асосий мақсади - бозор иқтисодиётига асосланган, мулкчиликнинг турли шакллари амал қиладиган жамиятга ўтиш бўлиб, Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куришнинг асосий кафолатлари - адолат, эркинлик ва ҳамкорлик қадриятларига амал қилиш, ижтимоий, идеал, ўз-ўзини камол топтириш, шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла даражада рўёбга чиқариш учун сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий шарт-шароитларни кафолатловчи кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилади.

ФМДПнинг юзага келиши ва парламентга бўлган охириги сайловларда фаол иштирок этиш, маълум маънода ХДП га нисбатан рақобатни вужудга

келтирадики, буни мамлакат кўппартиявийлик тизимига қўйилган сезиларли ҳисса сифатида қараш мумкин.

Одамлар ҳаётида юз бераётган ўзгаришлар, янги турмуш тарзи, баъзан унинг мураккаб ижтимоий муносабатлари ватанпарварлик, бағрикенглик, юрт тинчлиги, социал адолат, фикрлар хилма-хиллиги каби масалаларни тобора устувор вазифага айлантирди. Бу ўзгаришлар Ўзбекистонда "Адолат" социал демократик партиясининг (1995 йил 17 февраль) ташкил топишига эҳтиёж яратиди.

Партия низомга мувофиқ мустақилликни мустаҳкамлашнинг бош масаласи сифатида инсоннинг озод бўлиши, унинг имкониятларини тўғри йўналтириш, фуқароларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини, бурчларини таъминлаш барча миллат ва халқларни, жамоат ташкилотларини бирлаштирадиган етакчи куч - ҳуқуқий демократик давлат ғояларини илгари суриш унинг мақсади этиб белгиланди.

Ўзбекистонда "Миллий тикланиш" демократик партияси 1995 йилнинг 3 июнида ташкил топиб, дастурий мақсадлари миллатнинг маънавий бирлиги, кучли демократик давлат, миллий қадриятлар, илмий-техникавий тараққиё ва умумжаҳоний интеграция, замон кесими, миллий истиқлол каби ғоялар партия фаолиятининг мазмун-моҳиятини ташкил этди.

Партияларнинг дастурларидан кўриниб турибдики, белгиланган вазифалар турлича, аммо унга тегишли мақсадлари бир-бирини тўлдирибк елади.

Ўзбекистон фуқаролик жамиятини барпо этиш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, кўппартиявийлик тизимини такомиллаштиришда 1996 йил 29-30 августда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг 6-сессияси янги бир даврни бошлаб берди, дейиш мумкин. Президент Ислам Каримовнинг "Ҳозирги босқичда демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари тўғрисида"ги маърузаси жамиятга янгича демократик руҳ бағишлади. Маърузада ҳақиқий демократиянинг зарур ва қонуний белгиси бўлган туб маънодаги

кўппартиявийликни шакллантириш учун жамият сиёсий тузумини тубдан янгилашнинг назарий асослари белгилаб берилди.<sup>1</sup>

Мамлакатда кўппартиявийлик тизимининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда сайлов институти ва уни ҳуқуқий жиҳатдан ривожлантиришга қаратилган ҳатти-ҳаракатлар ҳам алоҳида ўрин тутди. Бундай ҳуқуқий асосларга мувофиқ 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида"ги<sup>2</sup> 1994 йил 5 майда қабул қилинган "Вилоят, туман ва шаҳар халқ депутатлари кенгашига сайлолар тўғрисида"ги<sup>3</sup> ва "Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги қонунлар негизида Олий Мажлисга демократик ва кўппартиявийликка асосланган илк сайловлар 1994 йил 25 декабрда ўтказилиши ўзбек парламентаризм тарихида янги даврни очиб берди.

Ўзбекистонда кўппартиявийлик тизимининг қарор топиши ва сиёсий партиялар такомиллашувчида 1996 йил 26 декабрда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонун<sup>4</sup> катта аҳамиятга эга бўлди. Қонун 17-моддадан иборат бўлиб, унда сиёсий партияларнинг демократик қонунлар асосида фаолият юритишлари учун етакчи ва илғор мамлакатлар мезонлари талабларидаги ҳуқуқий асослар яратилди.

Масалан, Қонуннинг 12-моддасида сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари аниқ ва равшан кўрсатиб берилган. Ушбу қонун сиёсий партияларни тузиш, уларнинг фаолият кўрсатиши, партияга аъзолик, партия фаолиятининг кафолатлари, унинг устави, рўйхатга олиш, партияларнинг мулкӣ муносабатларига доир барча

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т.

Ўзбекистон. 1996 й. Б-58

<sup>2</sup> "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонун (янги таҳрир) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 2003. №9

<sup>3</sup> "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 2003. №9

<sup>4</sup> "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1997. №2

ҳуқуқий мақомларнинг мужассамлашгани Ўзбекистонда кўп партиявийликнинг қарор топишида муҳим ўрин тутди.

Учинчи қадам 1999 йилга келиб жамоатда сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асослари асосан шакллантирилди, жамоат аъзолари кўппартиявийлик шароитида ўтказилган сайловлар натижасининг гувоҳи бўлди.

Айни пайтда фуқаролар онгида маълум сиёсий малака ва тажрибалар шаклланди. Фуқаролар мамлакат сиёсий ҳаётида тобора кенгроқ иштирок эта бошлади. Жамоатда кўппартиявийлик тизимининг демократик тамойиллари шу тариқа чуқурлаштирилиб ҳамда такомиллаштирилиб борилши 1999 йилги сайловларнинг демократик асосда ўтишига замин яратди.

Президент Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг 1-чақириб Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 14-сессиясидаги маърузасида Фуқаролик жамияти асосларини янада мустаҳкамлаш вазифалари ўз ифодасини топди. Жумладан, мамлакат сиёсий-иқтисодий ҳаётини давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштиришнинг олтига устувор йўналиши белгилаб олинди.<sup>1</sup>

Давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларини эркинлаштиришга қаратилган ислоҳотлар самараси 1999 йилнинг 5 декабридаги сайловлар жараёнида тўла намоён бўлди. Бу сафарги сайловларда энди 5 та сиёсий партия, ҳокимият вакиллик органлари, сайловчилар ташаббус гуруҳларидан депутатликка номзодлар кўрсатилди. Мамлакат сиёсий майдонида бундай муқобил кучларнинг мавжудлиги ва ҳокимият вакиллик органлари учун рақобит асосидаги кураши шубҳасиз, демократия маҳсули эди.

Демократик ислоҳотларнинг асосий устунларидан бири бўлган сайлов институтининг мустаҳкамланишини аҳоли сиёсий онгини оширишга хизмат қилиши билан бирга сиёсий партияларнинг ўзлари учун ҳам тажриба майдони бўлди. Ушбу сайловларда сиёсий партиялар ўртасида сезиларли рақобат кузатилди.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Биз танлаган йўл - демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли, 11-жилд Т. "Ўзбекистон" 2003, Б-196

Кўппартиявийлик тизимининг тадрижий ривож шундан далолат бермоқдаки, миллий мустақиллик йилларида мамлакатда демократик сайловларнинг ҳуқуқий асослари яратилди ва сайловлар тўғрисидаги қонунлар ҳаётда ўз ифодасини топмоқда. шу билан бирга сайлов кампаниялари даври сиёсий партиялар учун сиёсий кенгликлар сифатида фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятлари юксалишига сезиларли таъсир кўрсатди. Сиёсий партияларнинг ўзлари ҳам амалий жараёнларда катта тажрибаларга эга бўлиб бордилар. Албатта ҳали сиёсий партиялар демократик мезонларнинг ҳамма талабларига жавоб бера олмасаларда, уларнинг ривожланиши, улғайиши жараёнлари бошланди.

Тўртинчи қадам, Президент Ислам Каримовнинг 2-чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1-сессиясидаги маърузасида сиёсий соҳани эркинлаштиришни янада чуқурлаштириш вазифалари, кўлами ва амалга оширилиши лозим бўлган муҳим йўналишлар белгилаб берилди. Аввало, Республика сиёсий ҳаётини давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, фуқароларнинг сиёсий иқтисодий фаоллигини кучайтириш ва инсонинг ўз қобилиятини тўла рўёбга чиқариш учун тегишли шарт-шароит яратиш лозимлиги кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 7-сессияси мамлакатда сиёсий тизимни такомиллаштириш борасида янги саҳифани очди. Сессиядаги нутқида мамлакат раҳбари иккита муҳим ташаббусни - икки палатали профессионал парламент ташкил этиш ҳамда Президент ва Бош вазир ваколатларини ажратиш, янги кўринишда тақсимлаш ғоясини ўртага ташлади.

Икки палатали парламентни шакллантириш масаласи ҳаётнинг ўзидан ҳокимият тармоқларини ажратиш асосида миллий давлатчилик институтларини янада мустаҳкамлаш заруриятидан келиб чиқаётгани таъкидланди. Бинобарин, парламентнинг икки палатали таркиби қонунларни яратиш жараёни сифатини турли ижтимоий сиёсий кучлар ва алоҳида ҳудудлар манфаатлари мувозанатини таъминлайди.

Айни пайтда 70 дан ортиқ давлатлар икки палатали парламент фаолият кўрсатмоқда. Буюк Британия, Франция, АҚШ, Испания, Италия, Бельгия, Швейцария, Польша, Япония ва бошқа қатор давлатлар шулар жумласидандир. Бироқ, жаҳон парламентаризми тажрибасида икки палатали кўп парламентлар ҳам бор. Бу албатта ўша мамлакатнинг сиёсий вазияти, конституцион тузумининг ўзига хослигидан келиб чиқади.

1993 йил 28 декабрда қабул қилинган "Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги Қонун" парламентимизнинг бир палатали даври 1995 - 2004 йилгача кенг қўлланилди.

Парламентнинг икки палатаси тизимга ўтиши ва Олий Мажлиснинг иккала палатасининг шаклланиши ва ўзига хос амалга оширилишини инобатга олиб, 2003 йил 29 августда янги таҳрирда “Олий Мажлисга сайлов тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

2003 йилда Ўзбекистон Республикаси сиёсий тизимида янги сиёсий партия шаклланди. Бу тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон либерал демократик партиясидир. Мазкур партия гарчи етарли сиёсий тажрибага эга бўлмасада, ўз ижтимоий замини бўлган мулкдорлар табақасининг манфаатларини дадил ҳимоя қилиш ўз ғояларини аҳолининг кенг қатламларига сингдириш натижасида жамиятимиз сиёсий ҳаётида етакчи сиёсий кучга айланиб бормоқда.

Ўзбекистон давлати ва жамиятимизда демократик жараёнларни янада ривожлантириш ва барқарор этиш, янги тузилган ва тузилаётган партияларнинг кенг фаолият юритишига кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ХДП сафидан чиқиш тўғрисидаги баёноти муҳим сиёсий воқеадир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда Президент сайловидан кейин у ғалаба қилган партия номидан эмас, аксинча халқ номидан иш кўришнинг ўзига хос прогрессив, сиёсий-ижтимоий, маънавий аҳамият касб этмоқда. Бу Ўзбекистон танлаган йўлнинг моҳияти билан тўла мос тушади. Ўйламанки, бу биринчидан,

Конституциянинг 10-моддасида “Ўзбекистон номидан фақат у сайланган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин” дейилади;

Иккинчидан, Республика сиёсий тизимининг кўппартиявийликка асосланганлиги, жамият ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаётида ҳар бир сиёсий партияни қонун доирасида, ўз фаолиятларини эркин амалга оширишда ҳам зарур шарт-шароитлар яратиб беради;

Учинчидан, партиявийлик бирон-бир партияга мансубликни билдиради;

Тўртинчидан, сиёсий партияга нисбатан синфий лик тамойили нуқтаи назаридан ёндашиш, сиёсий курашлар орқали ҳокимиятга даъвогарлик қилиш йўлини ҳамма давлатлар учун ҳам бирдан-бир мақбул йўл деб бўлмади.

Бешинчидан, мустақил равишда адолатли, демократик фуқаролик жамиятини қуришни асосий мақсад қилиб қўювчи Ўзбекистон Республикаси сиёсий-ижтимоий ҳаётида кўппартиявийлик нисбатан янги жараён бўлиб, у маълум маънода ҳали у шаклланиш жараёнини ўз бошиданк ечирмоқда.

Ўзбекистон демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, эркин, адолатли, демократик жамият қуриш вазифаларини амалга ошириш сиёсий партиялар ҳам тўлиқ англаб етишлари замон талаби. Лекин ҳозирча тўлиқ фаолиятда ўзига хос, фарқли жиҳатлар ёрқин кўзга ташланмайди.

Партия тарафдорлари ҳам, унга хайрихоҳ бўлган ижтимоий қатламлар ҳам, кенг жамоатчилик ҳам, аввало бир партия бошқасидан қайси томонлари билан фарқ қилишини, қандай усуллар асосида кимга таяниб фаолият юритаётганлигини аниқ тасаввур қилиш лозим. Партияларнинг ғоялари умумий мақсадга эришиш йўлидаги уринишларида фарқли жиҳатлар кўзга ташланмаётган экан, бунинг сабаби нимада?

Ўз ғоясининг кенг жамоатчиликка чуқурроқ етиб боришидан, хайрихоҳларнинг кўпайиши ёки уларнинг ўзига хос узвий алоқа мустаҳкам бўлишидан ким кўпроқ манфаатдор? Партиянинг сиёсий мақадларидан бири ҳам жамоатчиликка бўлиш, уларнинг сиёсий фаолиятини ошириш орқали ислохотлар

жараёнида иштирокни таъминлаш эмасми? Бу саволларга жавобни аввало партия фаолиятдан қидириш керак, деб ўйлайман.

Бугунги кунда Ўзбекистон халқи ҳаётида ҳар бир инсон тақдирига, хихиш-иродасига дахлдор тарихий воқеа содир бўлди, дейиш мумкин. Бу қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг икки палатали тизимига ўтиши билан боғлиқ. Энди Ўзбекистон парламентаризмида ва сиёсий партиялар ҳаётида янги давр бошланди. Бу партиялар олдида қандай вазифалар қўяди? Сиёсий партиялар фаолиятида қандай ўзгаришлар содир бўлиши кутилмоқда?

Хусусан қуйи палатанинг асосан сиёсий партиялар вакилларида таркиб топиши партияларнинг ҳаётидаги фаоллигини оширишга муҳим туртки бўлди. Чунки партия фракцияларининг парламентдаги фаолияти навбатдаги сайловларда овоз бериши учун мезон бўлади. Партиялар парламентга номзод кўрсатаётганда номзоднинг мансаби эмас, қонунчиликни қай даражада тушунишига эътибор қаратишга мажбур бўладилар. Демак, партиялар ўз сафларига имкон қадар фаол, билимли, фидойи кишиларни жалб қилишга ҳаракат қиладилар. Бу партияларнинг ўз дастурий мақсадларига эришиш имконини янада оширади.

Сиёсий партиялар фракцияларига ҳам талаб ошади. Ҳар бир фракция қуйи палатада ўзининг муқобил қонун лойиҳаларини ишлаб чиқади ва муҳокамага киритади. Қайси партия тайёрлаб тавсия этилган лойиҳалар қўллаб-қувватланса, юқори палата томонидан маъқул кўрилса, шу партия учун катта аҳамият касб этади. Айни пайтда депутат бу билан ўз нуфузини ҳам оширади. Демак, депутатга унинг иш фаолиятига қараб баҳо бериладиган бўлади.

Бу сиёсий партиялар кўпроқ сайловлар давомида жонланади, фаоллашади, деган тасаввурларни ҳам ўзгартиради. Партиялар ишига эътиборсизлик кайфияти ҳам чекинади.

Қайси палата депутатлари турли партиялардан кўрсатилган вакиллардан иборат бўлгандан сўнг улар ўртасида ўзаро баҳс-мунозарала, муқобил таклифлар, қонун лойиҳалари бўйича фақат сессия вақтида эмас, мунтазам сессияга ундан кейин ҳам давом этадиган жараёнга айланади. Қуйи палата депутатларининг

таклиф этилаётган қонунлар мукаммал бўлишидан кўпроқ манфаатдорлиги шундаки, юқори палата - сенатнинг депутатлари ўз муносабати билдиради ва уни тасдиқлайди.

Қайси лойиҳа кўпроқ маъқуллиги билан уни қайси партия депутатлари фракциялари томонидан тайёрланганлиги билан ҳам уларнинг нуфузи ошиб боради. Бу обрўйига ҳам таъсир кўрсатмасдан қолмайди. Бу Олий Мажлисида партияларнинг ўрнига ва партиялараро муносабатларнинг демократик жараёнлар талабига мос шаклланишига олиб келади. Сиёсий партияларнинг жойлардаги фаолият кўрсатаётган турли бўғин раҳбари, ижро ҳокимияти билан алоқаларни янада мустаҳкамлашга олиб туртки бўлади.

Амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг асосий йўналиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини самарали таъминлаш, сиёсий тизимда бевосита иштирок этувчи фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш жараёнларини янада чуқурлаштиришга қаратилгандир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов давлат қурилиши масалалари тўғрисида гапирар экан, "давлатнинг куч-қудрати, аввало, демократик институтларнинг мустақил фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратиш, фуқаролар ва жамиятнинг барча сиёсий-ижтимоий салоҳиятини рўёбга чиқариш, тадбиркорлик ва иқтисодий ташаббуслар эркинлиги учун зарур имкониятларни ташкил этиб бериш қобилияти билан ўлчанади. Жамиятимизда қандай партиялар тузилмасин, уларнинг сони қанча бўлмасин, қайси партия олдида қандай вазифа қўйилмасин - улар ўз мақсадларига, ўз ғояларини амалга оширишга сайловчиларнинг овозини, яъни ишонч-эътиборини қозонибгина эришиши мумкин"<sup>1</sup> деб алоҳида таъкидлаган.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза) // "Халқ сўзи" 2010, 13-ноябрь

Ҳақиқатдан ҳам фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини барпо этиш йўлидаги ишларимизнинг асосий мазмун-моҳияти кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари" ғоясининг амалга оширилишида намоён бўлади. Бошқача қилиб айтганда кўппартиявий тизимнинг қарор топиши ва сиёсий партияларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишнинг асосий гаровидир.

Ўтган йиллар давомида сиёсий партиялар сий прюларизмнинг амалий ифодаси сифатида ўзининг шаклланиш босқичини ўтаби, амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг бевосита иштирокчисига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида илк маротаба "Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт ва сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади" деган номанинг белгилаб қўйилиши кўп партиявийлик тизимининг шаклланишига муҳим конституциявий асоси ҳисобланади. Бундан ташқари, Асосий Қонунимиз қуйидаги 10 та моддасида, яъни 10, 34, 56, 57, 60, 77, 106, 108, 112, 120-моддаларида бевосита сиёсий партияларга оид қоидалар мустаҳкамланганлиги ҳам улар сиёсий партияларни ташкил этиш, улар фаолиятларини кафолатлашга устувор аҳамият берилганлигидан далолатдир.

Мазкур конституциявий тамойиллар асосида 1996 йил 26 декабрда "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши сиёсий партиялар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлади ва Ўзбекистон кўп партиявийлик ривожланишининг янги босқичини бошлаб берди. Шунингдек, 2004 йил 30 апрелда сиёсий партиялар молиявий таъминотининг ҳуқуқий асосини таъминлаш мақсадида "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши сиёсий партияларни молиялаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қуватлаш тартибларини мустаҳкамлаб берди.

2007 йил 11 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президенти ислом Каримов ташаббуси билан ташкил қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада

демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун мамлакат сиёсий майдонидаги партияларга кенг ваколатлар бериш баробарида улар зиммасидаги масъулиятни ҳам оширди. Мазкур Қонун сиёсий партияларнинг фаолият йўналиши ва дастурларини янада ривожлантириш, уларнинг парламент қуйи палатаси ҳамда маҳаллий Кегашлари ишидаги кенг иштирокини мустаҳкамлайдиган барқарор тизимни шакллантиришни кўзда тутди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида ҳам сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги ролини оширишга қаратилган қатор таклифлар илгари сурилди. Ушбу таклифлар ичида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасида таклиф этилаётган ўзгартишлар алоҳида аҳамиятга эга.

Ундан кўзланган асосий мақсад Бош Вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларини янги тартига ўрнатишни кўзлайди. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп демократлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади" Ушбу киритилаётган таклиф сиёсий партияларнинг давлат бошқарувидаги ролини оширишга қаратилган ислохотларнинг навбатдаги босқичи ва мантиқий давомидир.

Агар ҳозирга қадар амалдаги қонунчиликка кўра, сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари Бош вазир номзодини танлашда маслаҳатлашув институти орқали иштирок этган бўлса, Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси орқали билдирилаётган таклиф асосида,

сайлов натижаларига кўра, энг кўп депутатлик ўрнига эга бўлган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги ўринларга эга бўлган бир неча сиёсий партияларга Бош вазир номзодини таклиф этиш ҳуқуқи берилмоқда.

Ушбу тартиб ГФР, Италия, Венгрия, Чехия, Латвия, Эстония, Швеция, Дания, Япония каби бир қатор хорижий мамлакатларда кенг қўлланиладиган тамойилларга тўлиқ мос келади. Бунда ҳукуматнинг сайлов натижалари бўйича ғолиб чиққан партия ёки партиялар коалицияси вакилларидан иборат тартибда шаклланишининг асосий шартларидан бири парламент ишончини қўлга киритиш саналади ва унга билдирилган ишончсизлик вотуми ҳукуматнинг истеъфога чиқишига ёки парламентни тарқатиб юборишга олиб келади.

Маълумки, парламент сайловларининг натижаси орқали қўлга киритилган депутатлик ўринлари ҳар бир сиёсий партиянинг жамият ва сиёсий саҳнадаги реал ўрнини белгилаб беради. Ўзининг сайловолди дастури ҳамда унда белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш механизмининг сайловчилар томонидан қўллаб-қувватланиб, парламент қуйи палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия, ҳукумат раҳбари номзодини таклиф этиш орқали, ушбу дастурларнинг ижросини амалга ошириш учун қулай имкониятга эга бўлади.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувидаги янги тамойиллар мамлакатимизда том маънодаги янги босқични белгилаб бериш билан бирга, сиёсий партияларнинг келгуси фаолиятига ҳам янги мазмун бахш этади.

Жумладан, аввало, Ўзбекистондаги сиёсий партиялар ўз сафларининг шаклланишини такомиллаштириш учун партиялар янги аъзоларини танлаш ва қабул қилиш мезонларини қайта кўриб чиқишлари, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш орқали янги ғояларни шакллантиришга хизмат қилади.

Иккинчидан, бўлғуси парламент сайловларида муваффақият қозониш учун сайловчилар билан муносабатларнинг кучайтирилишига, жадал мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишлари олиб боришга, давлат ҳокимияти устидан кенг

жамоатчилик назорати олиб боришга ҳамда қонун ижодкорлигида фаол иштирок этишга кенг имкониятлар яратади.

Учинчидан, сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини. давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш, жамиятимизда мавжуд бўлган турли манфаатлар, қарама-қарши кучлар ва ҳаракатлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайдиган самарали механизмни шакллантиришга хизмат қилади.

Бир сўз билан айтганда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга қаратилган ушбу тадбирлар мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичида уларнинг фаоллигини янада ошириб, фуқаролар кенг қатлами орасига кириб бориши ва аҳоли манфаатларини давлат сиёсий даражасига олиб чиқишида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

### **3. Ўзбекистонда шаклланган кўп партиявийлик тизими - фуқаролик жамияти шаклланишининг муҳим омили сифатида**

Кундалик ҳаётда "мухолифот" сўзини тез-тез ишлатаётган бўлсак-да, мухолифот ҳақтдаги тушунчаларимиз содда десак бўлади. Чунки мухолифот янги даврнинг маҳсули сифатида истиқлол арафасидагина тилимизда пайдо бўлди.

Бунинг ўзига хос омиллари бор. Жумладан, қадимда шарқ давлатчилигида адолат тамойилларининг устун турганлиги, қонун олдида барчанинг тенглиги, давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларнинг ниҳоятда содда, айти пайтда самимий тизими мавжудлиги бутун жамиятда ҳар томонлама барқарорликка асос бўлгани, қолаверса, мухолифот тушунчаси умуман жаҳон давлатчилиги тажрибасида ҳам XX аср "ихтироси" сифатида демократик жараёнларнинг тобора чуқурлашиши шароитида вужудга келган ҳодисадир.

Мустақил Ўзбекистон ҳуқуқий демократик жамият қуришни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. "Ҳуқуқий демократик жамиятни шакллантириш тўғрисида сўз юритар эканмиз, - дейди Президент ислом Абдуғаниевич Каримов, - табиийки

сиёсий мухолифот зарур эканлигини айтиш лозим".<sup>1</sup> Президентимизнинг бу фикрларининг аҳамияти шундан иборатки, Ўзбекистон тарихида биринчи марта давлатнинг раҳбари мамлакатда мухолифот бўлиши зарурлигини эътироф этдигина эмас, балки уни ҳар томнлама асослади ҳам. Жамиятда мухолифотнинг бўлиши жамият учун одатдаги ҳолдир, деди ислом Каримов. Бизга ҳар қанақа ўзбошимчалик, давлатни, жамиятни таҳликага соладиган мухолифот керак эмас, балки тегишли юридик мақомга ва конституциявий кафолатларга эга бўлган, ўз ҳатти-ҳаракатларида давлат ва ижтимоий тузумнинг барқарор ҳолати учун жавобгар бўлган, ташкилий жиҳатдан шаклланган мухолифотнинг бўлиши жамият ҳолатининг меъёردаги аҳволини кўрсатади.<sup>2</sup>

Демократик режимдаги икки партиявий ёки кўп партиявий тизимга эга бўлган давлатларда ҳукмрон партиялар ва мухолиф партиялар ўртасидаги соғлом рақобат мавжуд бўлади. Мухолиф партиялар миллий тараққиёт учун муқобил дастурлар ишлаб чиқади ва жамоатчилик муҳокамасига ўз таклифларини беради. Амалдаги ҳукумат фаолиятида мавжуд бўлган хато, нуқсонлар суиистеъмолчиликларни танқид қилади. Бу билан эса жамиятдаги мавжуд муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш, уларни излаб топишга мажбур қилади.

Масалан, Буюк Британия, Ҳиндистон ва бошқа бир қатор мамлакатларда мухолифот партиялар томонидан "Яширин кабинетлар" тузилади, кабинет аъзоларига давлат хазинасидан маблағ тўланади ва улар баъзи имтиёزلардан ҳам фойдаланадилар, шу тариқа давлат ва жамият ҳаётидаги турли муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этадилар.

Хўш, мухолифотнинг ўзи нима? Демократик жамиятни шакллантиришда унинг ўрни қандай?

Унинг луғавий маъносига эътибор қаратадиган бўлсак, мухолифот арабча "мухолифат" сўзидан олинган бўлиб, келишмовчилик, тескарилашиш, қарама-қаршилиқ, зиддият деган маъноларни англатади.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон XX асрга интилмоқда. Т. "Ўзбекистон" 1999, Б-29

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар 1-жилд. Т. Ўзбекистон. 1996, Б-254

Мухолифот - расмий сиёсатга ҳукмрон қарашларга мос бўлган нуқтаи-назар, алоҳида сиёсий йўл, демократиянинг муҳим белгисидир. Мухолифот мавжуд сиёсий кучларни тарозига солиб турадиган, жамият тараққиёти мувозанатини сақлаб турадиган, унинг равнақи учун янгидан-янги тамойилларни ишлаб чиқишга даъват этадиган воқелик.<sup>1</sup>

Мухолифот уч хил бўлиши мумкин:

- а) парламент доирасида;
- б) ундан ташқарида;
- в) сиёсий партиялар ичида.

Ички партиявий мухолифот муайян партия раҳбариятининг расмий сиёсатига қарши чиқувчи кишилар гуруҳидан иборат. Парламент мухолифоти ушбу Олий қонун чиқарувчи давлат органига сайланган, аммо унда озчиликни ташкил этувчи, ҳукумат таркибига кирмайдиган депутатлар ёки партиялар фракцияларидан ташкил топади. У ижтимоий-сиёсий тараққиётнинг муҳим масалалари юзасидан давлат раҳбарияти ва ҳукуматининг йўлидан фарқ қилувчи йўлни тутиши мумкин.

Амалий мухолифот Конституция ва қонунларга ҳилоф равишда иш тутувчи мухолифотдан фарқли равишда, миллий тараққиётнинг умумхалқ манфаатларига мос йўлни қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда унинг рўёбга чиқарилиши, муқобил дастурларини илгари суради, бу ишда йўл қўйилган камчилик ҳатто нуқсонларни қидиради, топади ва танқид қилади.

Бунда унинг қонунчилик доирасида иш тутиши, оммвий ахборот воситалари ва парламент минбаридан (агар мухолифот вакиллари депутат этиб сайланган бўлсалар) фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Сохта демократик шиорлар остида оммани ғайриқонуний ҳаракатларга ундовчи эҳтиросли мухолифлар фаолияти қандай мудҳиш, ёш мустақил давлатлар учун нақадар қимматли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини қатор

---

<sup>1</sup> Жўраев Н. Агар огоҳ сен... Т. "Шарқ" 1998. Б-61

собик шўро Республикалари (Тожикистон, Грузия, Озарбайжон ва бошқалар) мисолида кўриш мумкин.

80-йилларнинг 2-ярмида собик СССР худудида жунбушга келган сиёсий васвасалар ва демократия ўйинлари натижаси сифатида Ўзбекистонда "Эрк" демократик партияси, "Бирлик" халқ ҳаракати вужудга келди. Улар ўз мақсад ва интилишлари билан мавжуд сиёсий режимга у 70 йил мобайнида халқ бошига келтирган кулфатларга қарши эдилар. Мазкур гуруҳлар маъмурий буйруқбозлик усулига асосланган давлат бошқарувига, яккаҳоқимлик ва ғоявий ҳукмдорликни кўлига олган коммунистик мафкурага қарши ҳолда фаолият крсатадилар.

Бироқ, бу фаолият конструктив ҳаракат ҳукумат даражасига кўтарилган сиёсий нуфуз ва ақл-идрок кўриги сифатида эмас, балки даҳанаки жанглар, эҳтиросли шиорбозликлар, ибтидоий ҳайкириқлар шаклида дунёга келди. Бу жамият ҳаёти учун ҳам, халқ ҳаёти учун ҳам жиддий хавф туғдирди.

"Эрк" демократик партияси вакиллари ва уларнинг ҳомийлари мамлакатда вужудга келган қийинчиликларни рўқач қилиб, ҳар қандай йўл билан ҳокимият тепасига чиқиб олиш учун очикдан-очик кураш бошладилар. Улар кўча-куйларда митинглар уюштириб, оммавий назоратларни келтириб чиқаришга ҳаракат қилдилар. Халқ сайлаган депутатларга ишончсизлик билдириб, истефога чиқишларини талаб қилишди.

Ана шундай жиддий ҳодисалардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистонда вужудга келган "демократия жангчилари"нинг баландпарвоз ишоралари-ю, яроқсиз низом ва дастурлари шунчаки гап бўлган холос. Чунки уларнинг олдинги ҳокимиятга ҳам, кейинги ҳокимиятга ҳам бирдай қараш туришларидан мамлакат ва халқ манфаати учун кураш эмас, айти ҳокимият учун кураш, тожу-тахт жанги, амалу курси кураши эканлиги айн бўлди.<sup>1</sup>

Юзага келган ижтимоий-сиёсий жазавалар ва бўҳронлар оқибатларини ҳисобга олиб, Президент Ислон Каримов Олий Кенгашнинг 1993 йил 2-3 июль кунлари бўлиб ўтган X сессиясида шундай деган эди: "Демократия устун бўлган

---

<sup>1</sup> Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти институтлари. Т. "Академия" 2007. Б-54-55

жамиятда конструктив соғлом оппозициянинг роли жуда катта бўлади. Бундай оппозиция жамият сиёсий ижтимоий ва иқтисодий ривожига ҳисса қўшади. Айни замонда, мавжуд конституциявий ҳокимиятни куч билан ағдаришни мақсад қилиб олган партия ва ҳаракатлар таъқиқлаб қўйилиши лозим.

Халқаро демократик жараёнларга тўла жавоб берувчи конституция "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонун ва бошқа қонунларнинг қабул қилиниши билан Ўзбекистонда сиёсий мухолифот фаолияти учун зарур шарт-шароит ва имкониятлар яратилди. "Биз, - дейди, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов, - расмий ҳокимият билан ғоявий ва амалий жиҳатдан рақобатлаша оладиган, амалий таклифлар кирита оладиган, жамиятимизнинг турли сиёсий қатламлари манфаатларининг ифодачиси тариқасида майдонга чиқа оладиган мухолифотни кўришни истаймиз. Мустақил мамлакатимизда тобора чуқурлашаётган демократик ислохотлар мантиқи айни шундай сиёсий мухолифот шаклланишини тақозо этмоқда".<sup>1</sup>

Мустақил Ўзбекистоннинг мухолифот масаласида олиб бораётган сиёсати алоҳида ўрганишга сазовордир. Бу сиёсатнинг тарихий, анъанавий илдизларини, унинг халқ минталитети, яъни ақлий салоҳиятининг бошқа қирраларини тадқиқ этиш - энг долзарб ва муҳим назарий масалалардан биридир.

Шуниси диққатга сазоворки, "Ўзбекистонда мухолифот йўқ" деган масалага асосан Ғарб сиёсий арбоблари ва жамоат намоёндалари эътибор берадилар. Чунки уларнинг онгида икки-уч аср ичида Европа тарихи, ижтимоий жараёнлари таъсирида ижтимоий ва сиёсий ҳаёт тушунчаси ва андозаси пайдо бўлган. Ваҳоланки, Ғарб мухолифоти ва унинг андозалари асосан Европанинг кейинги бир ярим - икки асрлик тарихи асосида шаклланган ва уни бутун инсоният учун ягона мезон дейиш фақат ҳали-ҳамон биз Европа - марказийлик фуқароларининг ва назарияларининг таъсирида эканлигимиздан далолат беради, холос.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари Т. "Ўзбекистон". 1997, Б-425

Ғарб муҳолифоти Европа зиддиятлар, қонли воқеалар, инқилоблар, исёнлар, баррикада жанглари ва парламентлар ҳам очиқ майдонлардаки даҳанаки жанглар билан тўла 18-19 асрлар давомида юзага келди ҳамда Европанинг ўша даврдаги ўзига хос талаб ва шароитларига жавоб беради.<sup>1</sup>

Шарқ эса, аксинча, асрларгина эмас, минг йиллар давомида муҳолифотга эмас, оқил, адолатли, бамаслаҳат иш юритадиган давлат ва жамият раҳбарига суянган. Бунинг учун Фаробийнинг жамиятшуносликка оид ғояларини, Амир Темурнинг давлатни бошқариш санъатини, Алишер Навоийнинг "Садди Искандарий" ва бошқа тарихий ҳамда адабий асарларини таҳлил этмоқ бизга муҳолифотни мустақил Ўзбекистон шароитида тушуниш учун бой фикрий озуқа беради.

Нафақат Ғарб сиёсатшунослари, ўзимизнинг муҳолифотшуносларимиз ҳам сўз ва фикр эркинлиги зарур, деб таъкидламоқда. Бироқ ҳеч нарса билан чегараланмаган сўз ва фикр эркинлиги ноўрин ва беўхшов халқ бошига кулфатлар келтириши мумкин бўлган ҳатти-ҳаракатларни чегаралаб туриш учун зарурлигини тушунишмаяпти.

Атоқли файласуф Андре Жид ҳам: "Эркин фикрлаш имкониятига эга бўлиш учун энг аввало ҳатти-ҳаракатларимиз оғир аҳволга олиб келмаслиги кафолатига эга бўлмоқ лозим"<sup>2</sup>, -деган эди.

Муҳолифотнинг мавжудлиги демократик жамият учун зарурий ҳодиса ва нормал ҳолатдир. Бироқ, бу шахсий манфатларни кўзлайдиган, ўз орзу-умидларига эришиш учун интилган ёки жамиятнинг орзу қилинган амалдорларидан маҳрум этилган бир ҳовуч норози шахслардан иборат бўлган аламзадалар "армияси" эмас, аксинча ташкилий жиҳатдан расмийлашган, ҳуқуқий мақомга эга бўлган, конституция ва амалдаги қонунларга бўйсуниб яшашни турмуш тарзига айлантирган, ўз ҳатти - ҳаракатлари билан давлат ва жамиятдаги барқарорликка масъули бўлган юксак даражадаги сиёсий маданият кўринишидир.

---

<sup>1</sup> Эргашев И, Холбеков А. ва бошқалар. Фуқаролик жамияти ва миллий ғоя. Т. "Академия" 2009. Б-72

<sup>2</sup> Ўша жойда, Б-80

Ҳақиқий муҳолифот том маънода давлат ва жамият тараққиётига ёрдам берадиган, ҳукумат фаолиятининг такомиллашишига кўмаклашадиган, конструктив илмий ва амалий жиҳатдан халқ томонидан маъқулланган хулосалар билан яшайди.

Фанда "Ҳолич муҳолифот конституцияси" деган тушунча мавжуд. Бу нарсани Леонид Левитин ўзининг "Ислом Каримов - янги Ўзбекистоннинг президенти" китобида яхши ифодалаган. Демократик жамиятда томонлар ушбу жамиятнинг асосий мақсадини ёқлаб чиқадилар. Сиёсий рақиблар бир-бирларини севишлари шарт эмас, бироқ улар бир-бирларига нисбатан тоқат билан муносабатда бўлмоқлари ва ҳар бирлари қонуний ва муҳим роль ўйнаётганликларини эътироф этмоқликлари лозим. Устига-устак жамиятнинг асосий қонунлари ҳокимият ва муҳолифотни ўзаро тоқатли бўлишига даъват этмоғи даркор.

Президент Ислом Каримов ўз нутқида муҳолифот масалалари тўғрисида бир сидра, юзаки равишда сўзлаш етарли эмас деб билди. "Муҳолифат" тушунчасининг асл маъносини аниқ англаб олишга чақирди. У сиёсий муҳолифотни қарши томонни инкор этиш деб эмас, балки муқобил муҳолифот деб қабул қилиш керак деб маъқуллигини қайта-қайта уқтирди. Турмушимизнинг ҳамма соҳасида муқобиллик бўлиши лозим, - дейди Ислом Абдуғаниевич Каримов, - шу сабабли муҳолифот ҳақида сўз борар экан, энг аввало, ислохотлар ўтказиш, жамиятнинг тараққиёт ва янгиланиш йўлидан олға бориш бўйича муқобил дастур турларини таклиф этишга қодир амалий муҳолифотни назарда тутамиз.<sup>1</sup>

Кўриниб турибдики, Президент Ислом Абдуғаниевич Каримов бақувват, ҳақиқий, самарали ишга қодир, пухта тузилган дастур ҳамда янгиланишнинг диққатга сазовор йўлларини кўрсатишга қодир муҳолифотни кўзда тутмоқда.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон: имтиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар. 1-жилд. Т. Ўзбекистон Б-376

Ўзбекистон Республикасида Адлия вазирлиги рўйхатидан ўтмаган, ўзини мухолифот деб эълон қилган гуруҳлар ҳам яширин қонуний фаолият олиб бормоқда. "Озод дехқонлар", "Бирлик", "Эрк", "Аграрлар", "Қуёшли коалиция" шулар жумласидандир. Мазкур гуруҳлар, партиялар мухолифот бўлиш учун куйидаги талаб ва қоидаларга жавоб бериши лозим:

1. Ташкилий жиҳатдан расмийлашган ва ҳуқуқий мақомга эга бўлиш;
2. Мухолифот, башарти у жамиятни янгилашни ташкилотчиси бўлишга интилаётган бўлса, аҳолининг муайян ижтимоий ташкилотлари ва гуруҳларнинг теран манфаатлари ва интилишларининг ҳақиқий ҳимоячиси бўлиши;
3. Мухолифот конституциявий мезонлар доирасида фаолият кўрсатиб, аниқ дастурий ҳужжатга эга бўлиш;
4. Ана шу дастурий мақсадлардан келиб чиқиб, аҳолини, айниқса савлов даврида, ўзи таклиф этаётган ислоҳотлар ва янгилашни йўли ҳозирги шароитда жамият учун энг тўғри ва мақбул йўл эканлигига ишонтира олиш;
5. Мухолифот расмий ҳокимият билан ғоявий ва амалий жиҳатдан рақобатлаша оладиган, амалий таклифлар кирита биладиган, жамиятимизнинг турли сиёсий қатламлари ва манфаатларининг ифодачиси тариқасида майдонга чиқа оладиган бўлиши керак.

Мустақил Ўзбекистонда сиёсий мухолифот масаласининг бундай кенг ва асосли қўйилиши улкан ва жиддий вазифаларни олға суради. Олий Мажлиснинг 6-сессиясида айтилган фикрларни ва хулосаларни келажак ишимизга асос қилиб олган ҳолда масаланинг уч йўналишига алоҳида эътибор бериш керак бўлади.

Биринчидан бу борада аҳоли орасида қандай иш олиб бориб, унинг сиёсий фаолиятини ошириш ва унинг янги сиёсий партиялар, гуруҳлар ҳамда ижтимоий ҳаракатлар тузишга бўлган қизиқишини уйғотиш;

Иккинчидан, чет эл тажрибасини аввало, илғор мамлакатларда ишларнинг ташкил қилинишини ўрганиш;

Учинчидан, Кўп партиявийли тизим муаммолари илмий нуқтаи назардан ўрганилиши лозим.

Бу илмий муаммо ниҳоятда муҳим ва серқирра бўлишига қарамай, мафкуравий сиёсий омиллар тазйиқи ва таъсирида собиқ СССРда бутунлай ишланмаган. Масаланинг умумназарий томонлари ва фақат Ўзбекистонга тегишли муаммолари бор. Масалан, кўп партиявийли тизимга Ўзбекистон шароитида ўтишнинг ўзига хос томонлари ёки миллий анъана ва тамойилларнинг янги кўп партиявийли тизимга ўтиш жараёнидаги ўрни.<sup>1</sup>

Ўз нутқининг сиёсий муҳолифотга бағишланган қисмини яқунлар экан, Ислом Каримов "бугунги кунда барча оқил, соғлом фикр юритувчи, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ва Ватанимизнинг келажаги учун курашаётган кишиларнинг барчаси сиёсий муҳолифотни айнан шу тарзда тушунишига аминман"<sup>2</sup>, - дейди.

Бу сўзларни қўллаб-қувватлаш билан бирга Республиканинг барча фан аҳли, институтлар ва мактаблар ўқитувчилари, бутун зиёлиларимиз кунт билан сиёсий муҳолифот назарияси ва амалиётини ўрганиб, Президент Ислом Каримов қўйган вазифаларни дунёга тадбиқ этмоқ учун бор имкониятларини сафарбар этмоқлари зарур. Чунки олдимизда ниҳоятда олижаноб ва истиқболли иш ва вазифа мустақил Ўзбекистонни сиёсий муҳолифот борасида янги поғонага кўтариш, шу йўлда уни замонамизнинг илғор давлатлари даражасига олиб чиқишнинг жиддий бир соҳасини ҳал қилиш турибди. Буни халқимиз тушуниши ва бажаришига киришиш даркор.

Партиялар ўз аъзолари, тарафдорлари, электорати сонини кўпайтириш учун кураш олиб бориши табиий ҳол. Электорат учун кураш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Президентимиз таъбирлари билан айтганда: "Ҳар қайси партиянинг ўз

---

<sup>1</sup> Холбеков А, Матибоев Т. Демократик ғоялар ва ижтимоий адолат. Т. Академия. 2010. Б-27-28

<sup>2</sup> Каримов И.А. Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Асарлар 1-жилд Т. "Ўзбекистон" 1996, Б-342

электорати - уни қўллаб-қувватлайдиган ижтимоий қатлами бўлиши лозим. Агар шундай бўлмаса, бу партия ҳақиқий сиёсий куч бўла олмайди"<sup>1</sup>.

Ҳозирда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган партияларнинг ижтимоий қатлами шаклланиб бормоқда. Ижтимоий сўров натижаларини таҳлил қилиб кўрсак ҳозирдаёқ одамларнинг маълум бир қисми қайси партия ғоя-мақсадлари ўзларига маъқул келаётганлигини аниқ айтиб беришмоқда. лекин, қайсидир партия ўз фаолиятини кучайтириб жамоатчилик фикрини ўзгартириши, яъни ўз тарафдорлари сонини кўпайтириши учун доимо имконият мавжуд. Бу учун эса ҳар бир партия дастурия мақсадларга мос амалий фаолиятни кучайтириши, доимо халқ ва юрт манфаатларига астойдил хизмат қилиши, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайланган депутатлари орқали муҳим қарорлар қабул қилишда фаол иштирок этиши, Ўзбекистон миллий манфаатларига дахл қилувчи барча масалалар юзасидан ўзининг позициясини изчил билдириб бориши ва энг муҳими эришган натижалари хусусида эмас, олдимизда турган вазифалар хусусида кўпроқ қайғуриши лозим.

Юртимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислохотлар, мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш ҳамда демократик кадриятларни мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш жараёнларига ўзини дахлдор, наинки дахлдор сўзсиз равишда унинг иштирокчиси бўлишга интилиш сиёсий партиялардан мафкуравий-ғоявий, ташкилий амалий ишларни янги поғонага кўтаришни талаб қилмоқда.

Ёки давлатимиз раҳбари алоҳида уқтириб ўтганларидек: "Партиялар аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозониш мақсадида изчил иш олиб бориши, сиёсий тажриба орттириши, сиёсий етукликка интилиши ва энг муҳими молиявий

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш устувор вазифамиздир (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма Мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи 2010. 28 январь.

мустақиликка эришиш, жамиятда ўз ўрнини топиш ва ўзининг доимий сайловчиларига таяниш учун фаол ҳаракат қилиши керак"<sup>1</sup>

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш устувор вазифамиздир (Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма Мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи 2010. 28 январь.

## Хулоса

Бир неча юз минглаб йилларни ўз ичига олган инсониятнинг ривожланиш тарихи бир неча ва турли жамиятларни ўз тажрибаси ва синовидан ўтказди. Ҳар бир жамият инсоният ва цивилизация тарихида ўз изини, у ёки бу қадриятларини мерос қолдириб, бу билан ҳозирги замон жамиятининг ютуқларига қайсидир маънога ўз ҳиссасини қўшди.

Инсоният тарихининг XX асрдаги буюк кашфиёти ёки бошқача қилиб айтганда, кишилик жамияти ривожланишининг буюк ҳосиласи, бу - фуқаролик жамиятининг қарор топиши бўлди.

Фуқаролик жамияти бир томондан, жамият аъзолари сиёсий ва ҳуқуқий маданиятларининг юксак бўлганлиги учун ҳам ҳукумат, унинг органларига бошқаришни қулайлаштирган бўлса, иккинчи томондан, халқ оммасининг кенг миқёсларда бошқариш ва сиёсий фаолиятларда иштирок этишини таъминлаб берди.

Сўнгги асрда кўплаб мамлакатлар - АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Япония, Италия кабиларнинг етакчи ва илғор давлатларга айланишининг бош сабаблари ҳам улардаги тузумнинг чуқур демократиялашганлиги, фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг қарор топганлигидир.

Миллий мустақиллик, миллий ўзбек давлатчилигининг шаклланиши, халқнинг миллий ўзлигини англаши, миллий истиқлол мафқурасининг халқимиз дунқарашига сингиши, Президент Пслон Каримов томонидан ишлаб чиқилган демократик жамият ва ҳуқуқий давлат барпо этишнинг беш томоибли асосида жамиятнинг ҳамма жабҳаларида чуқур ислохотларнинг бошланиши Ўзбекистон Республикасида ҳам фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш учун ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий муҳитлар яратиб берди.

Мамлакатда фуқаролик жамиятининг руҳияти шаклланди. Демократик тамойиллар меъёрларидаги кўп партиявийлик тизими қарор топди. Ҳозирги кунда

Ўзбекистонда 4 та сиёсий партия Конституция ва бошқа тегишли қонун ҳужжатлари ўз низоми асосида амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, жамиятда давлат тузилмалари ва сиёсий партиялар билан мувозанатни таъминлашга қодир бўлган жамоат бирлашмалари тизими ҳам шаклланди.<sup>1</sup>

Ўзбекистонда парламентнинг икки палатали тизимга ўтиши, сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасини шаклланишида иштирок этиш биринчидан, уларнинг ҳаётидаги ўрни ортиши ва улар мавқеининг сайловларда янада ошишига олиб келса, иккинчидан партияларнинг сиёсий савиясини ҳамда соғлом, адолатли рақобатнинг кучайишига олиб келади. Мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов таъкидлаганидек, "Агар шу кўп партиявийлик тизими бўламаса, ҳаётда ўз ўрнини топмаса, партиялар бир-бири билан ҳалол баҳсга киришмаса, аҳвол яна эски ҳаммом, эски тос бўлиб қолаверади"<sup>2</sup>.

Шуни эътироф этиш керакки, Ўзбекистонда кўп партиявийлик содир бўлган воқеилиқдир. Лекин ривожланган кўп партиявийлик тизимини қарор топтириш жараёни Ўзбекистонда ҳанузгача ўтиш даврида эканлигини ҳамда у мураккаб ва нотекис кечаётганлигини тан олиш керак. Бу ҳол кўп жиҳатдан сиёсий маданиятнинг партия билан давлат ҳокимиятининг ўзаро муносабати бобидаги тажрибанинг етишмаслигига боғлиқдир. Шунингдек, Ўзбекистонда кўп партиявийликнинг ривожланган тизимини яратишни орқага тортиб турган субъектив сабаблар ҳали бор.

Булар биринчидан, сиёсий партияларнинг раҳбар органлари ва мансабдор шахсларда изчил, аниқ ва режали иш юритиш кузатилмаяпти. Сиёсий партияларнинг фаолларида эса - партияга янги тарафдорларни жалб этиш ва умуман партияга ижобий муносабат, мойиллигини ошириш мумкин бўлган жонкуярлик етишмаяпти;

Иккинчидан, партияларда дастурий ҳужжатлар асосида уларнинг стратегик ва тактик режаларини ишлаб чиқувчи, Ўзбекистоннинг барча ижтимоий-сиёсий

---

<sup>1</sup> Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти институти Т. Академия. 2010. Б-56

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида Т. Ўзбекистон 2005 Б-41

тадбирларида ўз партиясининг ўрнини аниқлаб берувчи, партиясининг ғоявий-сиёсий платформаларидаги камчиликларни аниқлай оладиган ғоявий интеллектуал марказлар йўқ;

Учинчидан партиялар ўз партиясининг ғоявий-сиёсий платформалари ва ташаббусларини жамиятга мунтазам етказиб берадиган самарали институтларини ишлаб чиқмаганлар;

Тўртинчидан партиялар ўзларининг янада оммавий бўлишига олиб келувчи, яъни турли ижтимоий-сиёсий ташаббусларни кўрсатишдек фойдали усуллардан деярли фойдаланмайдилар;

Бешинчидан, партиялар мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг ва давлат турмушининг у ёки бу воқеаларига нисбатан ўзларининг қатъий муносабатларини жамоатчилик эътиборига етказишга деярли ҳаракат қилмайдилар.

Юқорида санаб ўтилган камчиликларнинг бартараф этилиши партияларга ўз қиёфаси, ўз услубига эга бўлиш, ўз сафларини анчагина тўлдириш имконини бериш билан бирга, умуман, Ўзбекистоннинг кўп партиявийлик тизимини янада ривожлантиришга шароит яратади.

Партиялар ишини такомиллаштириш ёки фаоллаштириш масаласида буйруқ билан иш тутиш мумкин эмас. Қонунлар асосида иш бориш орқали улар ўз фаолиятларини кучайтирадилар. Бу албатта ижтимоий ҳаётга ўз аксини бериб, фуқаролар онгида муносабат, қарашларни шакллантиради. Бу эса партиялар ҳаётига эҳтиёж ошишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов айтганидек, партиялар бир-бири билан ишга киришиб, келажак мақсадларимизга етишиш учун ҳар қайси ўзига хос, ўзига мос йўллارни исботлаб, таърифлаб бериши, ўз йўлини тарғиб қилиши учун шароит бўлиши зарур<sup>1</sup>. Бундай шароит ўз-ўзидан бўлмайди, бунда партиялар томонидан ҳам, аҳоли томонидан ҳам сиёсий фаоллик талаб қилинади.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфсизликка ва тинчлик учун курашмоқ керак. 1-том. Т. Ўзбекистон 2004 Б-344

Республикада амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ислохотларнинг ҳозирги босқичи фуқаролар ҳуқуқий қарашлари, сиёсий онги, шунингдек, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятларини юксалтириш мақсадларига қаратилган. Зеро, ҳар бир жамиятда янги тузум қарор топиши унинг аъзолари фаол иштирокисиз, шунингдек, фуқароларнинг янги тузумига хос руҳияти ва дунёқарашимиз амалга ошмайди.

Илғор демократик мамлакатда фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат, шунингдек, кўп партиявийлик тизимининг қарор топиши тизимининг қарор топиши тажрибаси ҳар бир демократик ва ҳозирги замон жамиятини барпо этишни орзу қилган халқнинг ўзи унга эришиш учун мазкур яратувчилик жараёнида бевосита фаол иштирок этиши шарт эканлигини исботлаб берди.

Чунки ҳар бир жамият ўз аъзолари манфаатлари мажмуасининг ифодаланиш тарзида яшагандагина, бу манфаатларни қондириш учун халқнинг ўзи ҳаракатга келгандагина, бундай кишилар бирлигининг ижтимоий барқарор бўлишига эришилади, шунингдек, бу жамият бутун жаҳон ҳамкорлиги томонидан эътироф этилади.

Барча ривожланган давлатлар сингари Ўзбекистонда ҳам сиёсий партияларнинг бемалол фаолият юритишлари, сайловларни ҳаққоний демократик тарзда ўтказиш учун барча ҳуқуқий асослар мавжуд. Қолган барча ҳаракатлар сиёсий партияларнинг фаоллигига боғлиқ.

Битирув малакавий ишда илгари сурилган таклифлар:

1. Ўзбекистонда кўп партиявийлик тизимининг фуқаролар сиёсий онги ва тафаккурига таъсирини аниқлаш учун социологик тадқиқотлар ўтказиш лозим.

2. Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган сиёсий партияларнинг ҳаракати дастурларида ўз фуқаролик жамияти шаклланишида ўзларини аниқ ғоя ва мафкурага эга бўлишлари муҳим аҳамият касб этади.

3. Умумтаълим ва касб-ҳунар коллежларида ва лицейларда ўқувчи ёшларни сиёсий онги ва маданиятини шакллантиришда уларга ўқитиладиган "инсон ва жамият" ўқув курслари ушбу мавзунини ўрганишга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

4. Ёшларни сиёсий билимдонлиги ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш учун вилоят, туманлардаги сиёсий партияларнинг бўлимлари фаоллари сиёсий клублар ташкил қилсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, фуқаролик жамияти шахснинг ўзини-ўзи англаш, унда масъуллик ҳиссини ўсиши билан уйғун равишда шаклланиб боради. Бундай жамиятда шаклланган фуқаролар сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юқорилиги билан ажралиб туради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, бугунги кунга келиб мамлакатимизда фуқаролик жамиятини такомиллаштиришга ислохотлар янги паллага кирди. "Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари" тамойили асосида амалга оширилган туб ўзгаришлар натижасида сифати ва моҳиятига кўра бутунлай янги жамият шаклланди. Бошқача айтганда, халқ иродаси давлат сиёсати ва бошқарувида ўз ифодасини топиши таъминланди.

Фуқаролик жамияти устувор бўлган мамлакатларда нафақат инсон эркинлиги, балки давлатнинг жамият учун хизмат қилиш масъулиятининг юксаклиги, ўзини-ўзи бошқаришнинг такомиллашиб бориши каби қадриятларга амал қилинади. Бундай жамиятда турмуш фаровонлигини таъминлаш борасида ҳам мислсиз натижаларга эришилади.

Бугун дунё давлатлари ичида ялпи миллий маҳсулотнинг жон бошига тқсимланишида ҳам фуқаролик жамияти ривожланган мамлакатлар пешқадамлик қилмоқда. Бунинг асосий сабаби шундаки, инсон сиёсий, иқтисодий, ижтимоий эркинликлар бағридагина ўзининг яратувчанлик қобилиятини тўлиқ намоён қила олади.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда фуқаролик жамияти қуриш ва уни такомиллаштириш борасидаги кўламли ишлар бугун ўз самарасини бермоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси Т. “Ўзбекистон”. 2010
2. "Жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991. №4
3. "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997. №2

4. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 2002. №12

5. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 2003. №9

6. "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 2003. №9

7. Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 2004. №5

8. "Давлат ва бошқаруви янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 2007. №4

9. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. "Ўзбекистон" 1996

10. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. "Ўзбекистон" 1997 й.

11. Каримов И.А. Кучли давлатдан кучли жамият сари. Т. "Шарқ". 1998.

12. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилмоқда. Т. "Ўзбекистон" 1999 й.

13. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. "Ўзбекистон" 1999

14. Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришнинг асосий йўллари. Т. "Ўзбекистон" 2002

15. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тенглик учун курашмоқ керак. 10том. Т. "Ўзбекистон" 2002

16. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма Мажлисидаги маъруза 2010 йил 10 ноябрь. // “Халқ сўзи” 2010 й 13 ноябрь

17. Ахмедов Д. Хорижий мамлакатларда сиёсий партиялар ва партиявий тизим. Т. “Ўзбекистон” 2004

18. Гаджиев К.С. Политическая наука. Учебное пособие. 2-е изд. Москва 1995

19. Жумаев Р. Сиёсий тизимни ислохлаштириш. Мустақиллик - бу ҳуқуқ. Т. “Ўзбекистон” 1997

20. Жўраев Н. Агар огоҳ сен... Т. “Шарқ” 1998

21. История Франции. В 3-х томах. том-2 М. “Наука” 1993

22. Кузнецов Д.Ю. Навлицкая Г.Б. Сырицын И.М. История Японии. М. “Высшая школа” 1995.

23. Мунавварқори. Хотираларим. турон тарихи. Т. “Мерос” 1992

24. Мустақиллик: изоҳли илмий оммабоп луғат. Т. “Шарқ” 1998

25. Основы политологии. Под ред Пугачёва В.П. М. “Знание”. 1992

26. Одилқориев Х. Конституция ва фуқаролик жамияти. Т. 2002

27. Халилов Э.Х. Сайлов тўғрисидаги Ўзбекистон қонунларининг қарор топиши ва ривожланиши. Т. “Ўзбекистон” 1999

28. Ўзбекистон миллий энциклопедияси 6-том. Т. Давлат илмий нашриёти. 2003

29. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти: сиёсий партиялар, мафкуралар, маданиятлар. Т. “Шарқ” 1998.

30. Қирғизбоев М. Парталогия. Т. “Академия” 2007

31. Қирғизбоев М. Фуқаролик жамияти институтлари. Т. “Академия”. 2009 й.

32. Жалилов А. Сиёсий партия ва демократия : ўзаро алоқа ва боғлиқлик. // Мулоқот 1999. №3

33. Дўстмухаммедов Ҳ. Партиялар уйғонса - жамият фаоллашади. // “Фуқаролик жамияти” 2004 №1

34. Эргашев И, Холбеков А. Фуқаролик жамияти ва миллий ғоя. Т. “Академия” 2009 й.

35. Холбеков А, Матибоев Т. Демократик ғоялар ва ижтимоий адолат. Т. “Академия”. 2010 й.

# ИЛОВА

# Битирув малакавий ишини тақдимоти учун тузилган слайдлар

1-слайд

## **КЎППАРТИЯВИЙЛИК**

И демократик давлатларда сиёсий ҳаётни ташкил этишнинг асосий институциявий принципларидан бири, сиёсий ва мафкуравий плюрализмни анча ийроқ бўлган принципнинг ифодаси ҳисобланади. Кўппартиявийлик принципи ик жиҳатдан давлат фуқароларнинг ўз дунёқарашларига мувофиқ тарзда сиёсий яларга бирлашиш ҳуқуқини, барча сиёсий партияларнинг қонун олдида игини, улар фаолияти эркинлигини тан олиши ва қафолатлашини англатади.

2-слайд


## **КЎППАРТИЯВИЙЛИК**

**Жамиятда бир неча  
сиёсий  
партияларнинг  
мавжудлиги**

**Жамиятнинг эркинлиги  
демократлашув ва  
сиёсий хилма – хиллик  
даражасининг муҳим  
кўрсаткичи**

3-слайд

**Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кўппартиявийлик  
tizimining Парламент сайловларида иштироки ҳақида  
статистик маълумотлар**



**1994 йилги** биринчи чақириқ Олий Мажлисга ўтказилган сайловларда атиги икки партия иштирок этган “Халқ демократик партияси”дан 69 депутат ва “Ватан тараққиёти” партиясидан 14 депутат ҳамда ҳокимиятнинг вакиллик органларидан бир блок - 167 депутат сайланган, бунда партиялар томонидан сайланганлар депутатлар умумий сонининг **33 фоизини** ташкил қилган. **1999 йилги** парламент сайловида қатнашган партиялар сони ортиб, улар сони бештага етди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 49 нафар депутат, “Ватан тараққиёти” партиясидан 20 нафар депутат, “Адолат” социал-демократик партиясидан 11 нафар депутат, “Миллий тикланиш” демократик партиясидан 10 нафар депутат ҳамда “Фидокорлар” миллий демократик партиясидан 34 нафар депутат сайланган. Партиялардан сайланган депутатлар умумий депутатлар сонининг **45 фоизини** ташкил қилган. **2004 йилги** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ўтказилган сайловларда амалда фаолият юритаётган 5 та партия иштирок этди. Ушбу сайловлар натижасида Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан депутатларнинг 34,3 фоизи, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан депутатларнинг 23,3 фоизи сайланди. Шунингдек, Фидокорлар партиясининг 11 аъзоси, “Адолат” партиясининг 10 аъзоси Қонунчилик палатасида ўрин олди. Партиялардан кўрсатилган депутатлар сони умумий депутатларнинг **88.4** фоизини ташкил қилди. **2009 йилдаги** сайлов натижасига кўра, Ўзбекистон Либерал - демократик партияси сайловчиларнинг энг кўп овозини олди. Ўзбекистон Либерал - демократик партиядан депутатларнинг 53 нафари, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 32 нафари, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан 31 нафари, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг 19 аъзоси сайланди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик (қуйи)  
палатасида сиёсий партиялар фаолияти**

Қуйи Қонунчилик палатаси – депутатлари сони 150 та, шундан 135 та депутат фақат сиёсий партиялардан сайланади. 15 та депутат эса Ўзбекистон Республикаси Экологик ҳаракатидан сайланади. Ваколат муддати 5 йил, Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал асосида амалга оширади ва қонунлар ишлаб чиқади.

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялар қуйидагича:

1. ЎзЛД Партияси 53 (79,5 фоиз) депутати мавжуд.
2. ЎзХД Партияси 32 (48 фоиз) депутати бор.
3. ЎзМТД Партияси 31 (46,5 фоиз) депутати мавжуд.
4. Ўз “Адолат” СД Партияси фракцияси 19 (28,5 фоиз) депутати бор
5. Ўзбекистон Республикаси Экологик ҳаракатининг 15 (22,5 фоиз) депутати мавжуд.

Қонунчилик палатаси умумий депутатлар сонининг 33 нафари (22 фоизи) хотин-қизлардир.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатасида:**

1. ЎзЛД Партияси, ЎзМТД Партияси, Ўз “Адолат” СД Партияси фракцияларининг Демократик блоки тузилган ва у самарали ишлаб турибди.
2. Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси тимсолида парламент муҳолифати фаолият кўрсатмоқда.

“Фуқаролик жамияти” тушунчаси илк бор Қадимги Греция ва Римда вужудга келган. Фуқаролик жамияти ҳақидаги дастлабки фикрлар Аристотелнинг “Сиёсат” асарида ёритилган. Унинг фикрига кўра, инсоннинг эркин яшаши учун жамиятда қонунлар устувор бўлиши лозим. Шу билан бир вақтда, ана шундай устувор қонунлар адолатли бўлиши ҳам керак. Бу ғоялар XVII асрга келиб янада ривожланди. Жумладан, инглиз файласуфи Т. Гоббс асарларида ривожлантирилди. XVIII асрда рўй берган Буюк француз инқилоби боис “Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси”нинг эълон қилиниши орқали фуқаролик жамияти тушунчаси кенг тарқала бошлади.

6-слайд







Президент И.А. Каримов “Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш” концепцияси Ўзбекистон республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 – ноябр да қўшма мажлисидаги “Мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш” маърузасида 6 та энг муҳим устувор йўналишларни илгари сурди :

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш

Суд – ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш;

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш;

Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш;

Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш.

Демократик бозор ислоҳларини ва иқтисодиётини либераллаштиришни янада чуқурлаштириш;

Президент И.А. Каримов “Мамлакатимизда демократик – ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш учун қуйидаги қонунларни қабул қилиш ташаббусини илгари сурди

“Ижтимоий шериклик тўғрисида”;

“Ўзбекистон республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”;


“Ўзбекистон республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”

**Қуйидаги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш:**

“Фуқароларни ўзини – ўзи бошқариш органлари тўғрисида”;

“Фуқаролар йиғини раиси ( оқсоқоли ) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”;

“Ўзбекистон республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси”.



**Ўзбекистонда мустақиллик йилларида сиёсий ҳамда давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислоҳотлар**

**Мустақилликнинг қўлга киритилиши билан тарихан қисқа вақт ичида:**

*совет давридаги эски маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам берилди;*

*миллий давлатчиликни шакллантиришнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди;*

*давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилди;*

*ижтимоий ва фуқаролик институтлари фаолияти йўлга қўйилди;*

*иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилди.*

**Давлат ва жамият қурилиши соҳасида амалга  
оширилаётган демократик ислохотлар**

Мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатали парламентга айлантирилди

Президент ваколатларининг бир қисмини юқори палата – Сенатга ўтказилди

Бош вазир ҳуқуқ ва ваколатлари кучайтирилди;

Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги мамлакат Президенти бир пайтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият раҳбари ҳам эканини белгилайдиган нормалар ўзгартирилди

парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги муҳолифат мақоми қонуний тарзда белгиланди

сиёсий партиялар фракциялари раҳбарларини Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари этиб сайлаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чоралар кўрилди

Бош вазир лавозимига номзод бўйича сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашиш тартиби, унинг парламент томонидан тасдиқланишининг қатъий белгиланган тартиб ва механизми жорий этилди

сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияларига Бош вазирни истеъфога чиқариш, маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳларига эса вилоят ҳокимларини истеъфога чиқариш тўғрисида ташаббус билан чиқиш ҳуқуқи берилди

давлат ҳокимияти марказий органларининг бир қатор ваколат ва вазифалари маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларга босқичма-босқич ўтказилди ва ҳ. к.

## Ўзбекистонда фаолият юритаётган сиёсий партиялар

<b>Сиёсий партия номи</b>	<b>Ташкил топган санаси</b>	<b>Партия аъзолари сони, минг нафар</b>	<b>Қонунчилик палатасидаги депутатлар сони, нафар</b>
Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ЎзХДП)	1991 йил 1 ноябрь	350,0	32
Ўзбекистон «Адолат» социал демократик партияси	1995 йил 18 февраль	80,0	19
Ўзбекистон Миллий Тикланиш демократик партияси	1995 йил 3 июнь	110,0	31
Ўзбекистон Либерал Демократик партияси (ЎзЛДП)	2003 йил 15 ноябрь	153,0	53

## Ўзбекистонда сайлов жараёни ва партия фаолиятининг қонуний асосларини такомиллаштириш борасида қабул қилинган меъёрий ҳужжатлар

Меъёрий ҳужжатлар	Қабул қилинган санаси	Сайлов жараёни ва партия фаолиятини тартибга солишнинг қисқача мазмуни
“Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонун	1991 йил 15 февраль	Давлат ва жамият қурилиши тизимида жамоат ташкилотлари, шу жумладан, сиёсий партиялар ўрни ҳамда ролининг белгилаб берилиши
Ўзбекистон Республикаси Конституцияси	1992 йил 8 декабрь	Партиялар ва жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатишининг мустақкам қонуний базасига асос солиниши, хусусан, фуқароларнинг сиёсий партиялар ва ижтимоий ҳаракатларга бирлашиш ҳуқуқининг белгилаб берилиши
“Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонун	1996 йил 26 декабрь	Партиялар ваколатининг кенгайиши ва қонун доирасида ҳокимият учун курашишга шароит яратилиши
“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида” ги Қонун	1993 йил 28 декабрь	Сиёсий партияларга сайловчиларнинг кенг қатламлари манфаатларини тизимли ҳимоя қилиш имконининг яратилиши
“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Қонун	1994 йил 5 май	
“Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида”ги Қонун	2004 йил 30 апрель	Партиялар фаолиятини молиялаштиришнинг турли жиҳатларини ҳуқуқий тартибга солиш имконининг яратилиши
“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий Қонун	2002 йил 12 декабрь	Сиёсий партияларнинг парламентда шаклланган фракциялари фаолиятини такомиллаштирилиши
“Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Регламенти тўғрисида”ги Қонун	2003 йил 29 август	
“Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий қонун	2007 йил 11 апрель	Сиёсий партияларнинг давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишдаги ролининг янада кучайтирилиши
“Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)”ги Қонун	2007 йил 11 апрель	

## МУНДАРИЖА

Кириш -----